

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
АРХИТЕКТУРА –ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“МУХАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ ҚУРИЛИШИ”  
ФАКУЛЬТЕТИ**

**401-ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА КАДАСТР  
ГУРУХИ БИТИРУВЧИСИ ХАЛИЛОВ АЗИЗНИНГ**

**Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг  
асослари ва имкониятлари (Самарқанд шаҳри мисолида) мавзусидаги  
ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ**

*Тушунтириши хати \_\_\_\_\_ бет (формат А-4)*

*Чизмалар \_\_\_\_\_ варақ (формат А-2)*

**Кафедра мудири:**

**доц. Артиков Ф.А.**

**Диплом лойиха раҳбари:**

**доц. Журакулов Д.О.**

**С А М А Р Қ А Н Д – 2018 йил**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ҚҮМИТАСИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“МУҲАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ ҚУРИЛИШИ” ФАКУЛЬТЕТИ  
“ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ҚАДАСТР” КАФЕДРАСИ  
ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИ БАЖАРИШ УЧУН ТОПШИРИҚ  
ХАЛИЛОВ АЗИЗ**

**Группа: 401-ГКК**

**Рейтинг дафтарчаси рақами\_\_\_\_\_**

**1.Диплом лойиҳа мавзуси: Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг асослари ва имкониятлари (Самарқанд шахри мисолида).**

**Институт бўйича 2016 йил 20- майдаги № 176-У - сон буйруқ асосида тасдиқланган.**

**2. Мавзу материалларини тўплаш, таҳлил ўтказиш ва долзарблигини асослаш:** Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тўпланган материаллар асосида таҳлил ўтказиш ва диплом лойиҳа мавзусининг долзарблигини асослаш.

**3.Давлат кадастри қисми:**

**а) давлат рўйхати ишлари:** Самарқанд шахридаги кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича маълумотлар тўплаш.

**б) такомиллаштириш ишлари:** Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнининг ҳуқуқий асослари ва имкониятлари.

**4. Мехнатни ҳавфсизлиги ва атроф муҳит муҳофазаси:** Кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишларида меҳнат ҳавфсизлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси тартибларини ва чора тадбирларини ишлаб чиқиши.

**5. Давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари иқтисодиёти:** Кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишларининг харажатлар ва меҳнатга хақ тўлаш сметасини ишлаб чиқиши.

**6.Диплом лойиҳа бўйича хulosasi:** Диплом лойиҳа бўйича бажарилган ишлар тўғрисида таклиф ва хulosалар ишлаб чиқиши.

**7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:** 1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни 28 август 1998 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “ Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори.3. И.А.Каримов. Баркамол авлод келажагимиз таянчи. Тошкент “Маънавият” 2010 йил. 4.Бабажанов А.Р, Рахмонов К.Р, Фоғиров А. “Ер кадастри”. ТИМИ, 2008. 5.Д.О.Журакулов, О.Равшанова. Кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби. СамГАСИ. 2012 й.

**8.Диплом лойиҳа чизмалари рўйхати:** 1. Кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш маълумотлари ва ҳужжатлари. 2. Кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари.

3. Самарқанд шахрида кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишларининг имкониятлари. 4. Кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишларидағи меҳнат ҳавфсизлига ва иқтисодиёти.

**Диплом лойиха қисмлари бўйича раҳбар ва маслаҳатчилар:**

<b>№</b>	<b>Диплом лойиха қисмлари</b>	<b>Бошланиши</b>	<b>Тугалланниши</b>	<b>Раҳбар ва маслаҳатчилар</b>	<b>Имзо</b>
1	Мавзуу материалларини тўплаш, тахлил ўтказиш ва долзарблигини асослаш	11.01.2018	31.01.2018	Журакулов Д.О.	
2	Давлат кадастри ишлари: а) давлат руйхатидан утказиш ишлари	01.02.2018	28.02.2018	Журакулов Д.О.	
3	б) такомиллаштириш ишлари	01.03.2018	31.03.2018	Журакулов Д.О.	
4	Мехнат хавфсизлиги ва атроф мухит муҳофазаси	02.04.2018	30.04.2018	Мирзаев А.А	
5	Давлат руйхатидан утказиш ишлари иқтисодиёти	01.05.2018	31.05.2018	Исройлов М.Э.	
6	Диплом лойиҳасини расмийлаштириш ва тақризга юбориш.	01.06.2018	20.06.2018	Кафедра мудири	
7	Диплом лойиҳа ҳимояси	21.06.2018	30.06.2018	Халилов Азиз.	

**Изоҳ:**

1. Диплом лойиҳа бўйича чизмалар 420x524 мм А-2 форматда 5-6 варақни, тушунтириш хати 210-297 мм ўлчамдаги А4 форматли оқ қоғозда, умумий сўзлар сони 10-15 мингтани ташкил этиши лозим.

2. Ҳар бир топшириқ кўрсатиласган муддат охирида раҳбар ёки маслаҳатчи томонидан имзоланади, сўнгра кафедра мудири руҳсатидан кейин навбатдаги қисмни бажаришга киришилади.

**Топшириқ берилган сана**

« 25 » май 2017 й.

**Тугалланган диплом лойиҳасини**

**топшириш санаси**

« 20 » июн 2018 й.

**Талабанинг имзоси:**

Халилов Азиз.

**Диплом ишининг раҳбари:**

Журакулов Д.О.

**Кафедра мудири:**

Журакулов Д.О.

**Маслаҳатчилар:**

Исройлов М.Э.

Мирзаев А.А.

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“МУХАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ ҚУРИЛИШИ”  
ФАКУЛЬТЕТИ  
“ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА КАДАСТР” КАФЕДРАСИ**

**“КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН  
ЎТКАЗИШНИНГ АСОСЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ” (САМАРҚАНД  
ШАХРИ МИСОЛИДА) МАВЗУСИДАГИ ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ  
БЎЙИЧА  
ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Мазкур диплом лойихада кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимининг асослари ва имкониятлари, рўйхатдан ўтказувчи органларнинг асосий вазифалари, давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини ташкил этишнинг асосий жиҳатлари, давлат рўйхатдан ўтказиш тизимини яратища унинг қонунчилик базасини ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш технологиясини яратиш ва мутахассислар билан таъминлаш масалалари хамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимидағи меҳнат хавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазаси, харажатлар ва меҳнатга хақ тўлаш сметасини ишлаб чиқиш жараёнлари баён қилинган.

Битирувчи 401-ГКК талабаси:	Халилов Азиз.
Кафедра мудири:	доц. Артиков F.A.
Диплом лойиха раҳбари:	доц. Журакулов Д.О..
Маслаҳатчилар:	катта ўқитувчи Исроилов М.Э. катта ўқитувчи Мирзаев А.А.

**КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН  
ЎТКАЗИШНИНГ АСОСЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ (Самарқанд  
шахри мисолида)**

**КИРИШ**

**1-БОБ. КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ  
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ СОҲАСИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ  
ОРГАНЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

- 1.1. Кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳукуқни давлат рўйхатдан ўтказишнинг норматив-ҳукуқий базаси.....
- 1.2. Рўйхатдан ўтказувчи органлар ва уларнинг асосий вазифалари.....
- 1.3. Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини ташкил этишнинг асосий жиҳатлари.....
- 1.4. Хорижий давлатларда кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими.....

**2-БОБ. РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШДА  
ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР**

- 2.1. Рўйхатдан ўтказиш тизимини яратиш.....
- 2.2. Қонунчилик базасини ташкил этиш.....
- 2.3. Рўйхатдан ўтказиш технологиясини яратиш.....
- 2.4. Мутахассислар билан таъминлаш.....

**3-БОБ. КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ  
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ИШЛАРИ  
МЕХНАТ ҲАВФСИЗЛИГИ ВА АТРОФ МУХИТ МУХОФОЗАСИ  
ТАЛАБЛАРИ.....**

**4-БОБ. КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ  
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ИШЛАРИ  
ИҚТИСОДИЁТИ.....  
ХУЛОСА.....  
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....**

## **КИРИШ**

Мустақиллик шарофати туфайли давлатимиз ўз худудидаги ер ва бошқа кўчмас мулклар бойликларидан самарали ва оқилона фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Ер ва бошқа кўчмас мулклар бойликларидан самарали ва оқилона фойдаланиш учун илмий асосда, агромелиоратив, агротехник, шахарсозлик ва бошқа қоидаларга риоя қилиш билан бир қаторда ундан фойдаланишни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари алоҳида белгилаб қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” даги 15 моддасига асосан “давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсатгичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва улчамлари, уларнинг ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижаравчиларга ҳамда мулкдорларга таксимлаш тўғрисида”ги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборатдир.

Кадастр ҳужжатларида ҳар қайси ер участкаси ва унда жойлашган бино-иншоотнинг жойлашуви, майдони, нарҳи, мухандислик коммуникасия обектларининг борлиги, экологик муҳити, бу участка кимга тегишли ёки ижарага топширилганлиги ҳамда табиий, жамоатчилик ва юридик характердаги маълумотлари ёзилган бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибига мувофиқ, ер участкасига, бино ва иншоотларга ҳамда кўп йиллик дараҳтларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар;

бино ва иншоотларга ҳамда кўп йиллик дараҳтларга бўлган ҳуқуқлар суднинг қарорига мувофиқ ўтган тақдирда, суднинг қарори;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёридаги бошқа ҳужжатлар ҳамда кўчмас мулк объектларига бўлган мулкий ҳукуқ ва бошқа ашъёвий ҳуқуқларнинг вужудга

келиши, ўзга шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор қилинишини тасдиқловчи ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларининг талаблариға жавоб бермоғи лозим.

Юқоридагиларни инобатта олганда кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимининг асослари ва имкониятлари, рўйхатдан ўтказувчи органларнинг асосий вазифалари, давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини ташкил этишнинг асосий жиҳатлари хамда давлат рўйхатдан ўтказиш тизимини яратишда унинг қонунчилик базасини ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш технологиясини яратиш ва мутахассислар билан таъминлаш масалалари рўйхатдан ўтказиш ишларини ташкил этишда мухим ўрин тутади.

Шунинг учун, кўчмас мулкка бўлган ҳукуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини ташкил этишнинг асослари ва имкониятларини ўрганиш долзарб масала хисобланиб, танланган диплом лойиха мавзусининг долзарблигини асослайди.

# **1-БОБ. КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ СОҲАСИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

## **1.3. Кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатдан ўтказишининг норматив-ҳуқуқий базаси**

➤ **Кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишдаги тушунчалар:**

• **рўйхатдан ўтказувчи** - рўйхатдан ўтказувчи органинг мансабдор шахси, у кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказища зарур бўладиган ҳуқуқ белгиловчи ва бошқа хужжатларни кўриб чиқади, мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш масалаларини ҳал қиласди, кадастр ва/ёки индекс планига ўзгартишлар киритади, Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестрига белгиланган тартибда ёзувлар киритади ҳамда уларни тузатади.

• **ҳуқуқ эгаси** - кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни битим асосида ёки қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича олган шахс. кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестири - кўчмас мулк обьектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар ҳамда ҳуқуқ эгалари борасидаги маълумотларнинг тизимлаштирилган жамламаси, у кўчмас мулк обьектининг ўрнашган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш округи чегарасида юритилади.

• **ҳуқуқ белгиловчи ҳужжат** - шартнома, суд қарори, тегишли ваколатли органинг қарори ёки қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган бошқа ҳужжат, шунингдек кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг, шу жумладан ҳуқуқларнинг битим асосида янги ҳуқуқ эгасига мулкни бериш жойида унинг содир бўлиш пайти амал қилган олдинги ҳуқуқ эгасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтишида бошқа шахсга берилишига оид бошқа ҳужжатлар.

- **вақтинчалик иморат** — қурилиш даврида вақтинчалик фойдаланиш учун бунёд этилган ва лойиха ҳужжатларида назарда тутилмаган иморат;
- **кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш** — юридик ва жисмоний шахсларнинг жумладан битимлар асосида юзага келадиган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларининг вужудга келганлигини,

бошқа шахсга ўтганлигини, чекланишини (юкланишини), бекор бўлишини тан оладиган ҳамда тасдиқлайдиган хуқуқий ҳаракат;

- **кўчмас мулкка бўлган хукуқлар ва у ҳақда тузилган битимларнинг давлат реестри** — кўчмас мулк ва уларга бўлган хукуқлар тўғрисидаги маълумотларнинг, хуқуқ эгаларининг тизимга солинган жамламаси, у кўчмас мулк обьектининг ўрнашган жойи бўйича туман (шаҳар) чегарасида юритилади;
- **гаров хати** — кўчмас мулк гаровга қўйилганлиги тўғрисидаги қарзлик гувоҳномаси, қарз берувчига — юридик ёки жисмоний шахсга банк томонидан берилади;
- **бино** — функционал мақсадига қараб одамлар яшashi ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ ҳажмни ташкил этувчи таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;
- **ер участкаси** — ер юзасининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, хуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида ва ер участкасига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид ҳужжатларда акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми;
- **ипотека** — кўчмас мулкни (ер участкасини, бино ва иншоотни) ёки унга бўлган хукуқни мажбуриятни таъминлаш шарти билан гаровга қўйиш, у ушбу мулкни гаров кредитори эгалигига топширмасдан амалга оширилади;
- **кадастр йигмажилди** — обьектнинг кўчмас мулкка бўлган хукуқларни шакллантириш, ҳисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган кадастр суратига олиш, техник инвентаризация қилиш ва паспортлаштиришнинг, маҳсус текшириш ва изланишларнинг, сифат ва қиймат жиҳатдан баҳолашнинг ҳужжатлари, материаллари ва маълумотлари жамламаси;
- **кадастр плани** — кўчмас мулк обьектининг ўрнашган жойини, чегараларини, бинолар, иншоотлар ва бошқа топографик элементларини акс

эттирувчи, умумий қабул қилинган шартли белгиларда тузилган чизма ҳужжат;

- **кадастр рақами** — ер участкаси, бино, иншоотнинг ўзига хос, Ўзбекистон Республикаси худудида такрорланмайдиган рақами, у қўчмас мулкни шакллантиришда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ берилади, ва у рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқнинг ягона обьекти сифатида мавжуд бўлиши даврида сақлаб қолинади;
- **кўп йиллик дараҳтлар** — боғлар, токзорлар, тутзорлар ва бошқа ўрмон дараҳтлари;
- **кўчмас мулк** — ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дараҳтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган обьектлар;
- **курилиши тугалланмаган обьектлар** — курилиши белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида тасдиқланган лойиха ҳужжатларига мувофиқ бошланган, лекин муайян кунга келиб тугалланмаган ёки қурилиши тугалланган, лекин давлат комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилинмаган ва уларни қабул қилиш далолатномаси тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан тасдиқланмаган бино ва иншоотлар;
- **кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши** — кўчмас мулк обьектининг мулкдори бўлмаган шахсларнинг (ипотекага оловчилар, ижарага оловчилар, кредиторлар ва бошқаларнинг) унга бўлган мулкий ҳуқуқлари;
- **ёрдамчи-хўжалик иморатлари** — ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлариға нисбатан ёрдамчи тавсифдаги иморатлар (омборхоналар, бостирмалар, йўлаклар ва шу кабилар), уй ҳайвонлари ва паррандаларини боқиши учун мўлжалланган иморатлар, омборхона, гаражлар, ёзги ошхоналар, тандирхоналар, ертўлалар, ҳаммомлар, ҳовлидаги ҳожатхоналар, душхоналар, иссиқхоналар, ҳовузлар, саunalар, қозонхоналар ва

одамларнинг вақтинча туриши билан боғлиқ турли иш турларини бажариш учун мўлжалланган бошқа функционал иморатлар;

- **хуқуқ әгаси** — битим асосида ёки қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича кўчмас мулкка бўлган хуқуққа эга юридик ва жисмоний шахс;
- **рўйхатдан ўтказиш йиғими** — кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қонун хужжатларида белгиланган тўловлар;
- **кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризалар реестри** — юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризалари рўйхатга олинадиган электрон файл;
- **кўчмас мулк ҳақида тузилган битимлар** — фуқаро ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни ўрнатишга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга (ўзга шахсга ўтказишга, ипотекага кўйишга, узок муддатли ижарага, меросни қабул қилишга ва бошқаларга) қаратилган хатти-харакатлари;
- **сервитут** — бегона ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш хуқуқи;
- **иншоот** — ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлашга, одамларнинг вақтинча бўлишига, одамлар, юклар ва бошқа нарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизиқ тарзидаги ер тепасида, ер юзасида ва ер остида жойлашган қурилиш тизими;
- **электрон рақамли имзо** — электрон хужжатдаги мазкур электрон хужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда маҳсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон хужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.

➤ Кўчмас мулк объектларига бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиша қўлланиладиган норматив хуқукий хужжатлар:

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг КОДЕКСЛАРИ-

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодекси.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257-I-сон қарорига мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартадан кучга киритилган).

2. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси.

(Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998 й. 598-I-сон Қонуни билан тасдиқланган, 30.04.1998 й. 599-I-сон Қарори билан амалга киритилган).

3. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги 713-I-сон Қонун билан тасдиқланган, 1998 йил 24 декабрдаги 714-I-сон Қарор билан 1999 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилган).

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНЛАРИ-

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги қонуни. (Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 15.12.2000 й. Қабул қилинган, № 171-II рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни. (Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 28.08.1998 й. қабул қилинган, № 666-I рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги қонуни. (Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 28 июнда қабул қилинган, Сенат томонидан 2006 йил 25 августда мақулланган).

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРЛАРИ-

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги

483-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.1997 й. “Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.1998 й. “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида”ги 543-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.01.2007 й. “Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2 –сонли қарори .

•“ЕРГЕОДЕЗКАДАСТР” ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ЙЎРИҚНОМАЛАРИ-

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 7 январда 387-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида Йўриқнома”.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 й. 27 майда 736-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида Йўриқнома“

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 25 апрелда 1798 – рақам билан рўйхатга олинган “Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги муваққат Йўриқнома”.

➤ **Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш асослари:**

• *Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик Кодксининг 84-моддасига асосан-*  
1.Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни ва уларга оид битимларни давлат рўйхатидан ўтказилишининг мажбурийлиги Кўчмас мулкка эгалик ҳукуқи ва бошқа ашёвий ҳукуқлар, бу ҳукуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

2. Битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ҳуқук эгасининг илтимосига кўра амалга оширилган рўйхатдан ўтказиши рўйхатдан ўтказилган ҳуқук ёки битим тўғрисида хужжат бериш ёхуд рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган хужжатга устхат ёзиш йўли билан тасдиқлаши шарт.

➤ **Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши:**

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги қонуни 13-моддасига асосан:

1. Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши юридик ва жисмоний шахсларнинг кадастр объектларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан эътироф этилиши ва тасдиқланишининг юридик хужжати ҳисобланади.

2. Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотларни давлат реестрларига киритиши йўли билан амалга оширилади.

3. Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши кадастр объектларининг барча мулкдорлари ва кадастр объектларига доир бошқа ҳуқуқларнинг эгалари учун мажбурийдир.

➤ **Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиши:**

- Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 35-моддасига асосан-

1. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги зарур ҳужжатлар ҳам илова этилган ариза келиб тушган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда тегишли ваколатли орган томонидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатига олингани тўғрисида рўйхатга олинган сана ва тартиб рақами кўрсатилган ҳолда гувоҳнома берилади.

➤ **Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олишни рад этиш:**

- Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 35-моддасига асосан-
  1. Давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси кимга тегишли эканлиги тўғрисида низо борлигидан далолат берувчи хужжатлар мавжудлиги.
  2. Давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжудлиги.

➤ **Тураг уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқини, давлат рўйхатидан ўтказиши:**

- Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси 13-моддасига асосан-
  1. Тураг уй-жойга бўлган мулк ҳукуки ва бошқа ашёвий ҳукуқлар, бу ҳукуқларнинг вужудга келиши, бошқага ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.
  2. Тураг жойга бўлган мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳукуқларни ҳамда тураг жойга оид битимларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд рўйхатдан ўтказиш муддатлари бузилиши устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

➤ **Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш амаллари**

- Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш –
  - 1.Юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган, шу жумладан битимлар асосида вужудга келадиган ҳукуқларининг вужудга келишини, бошқа шахсга ўтишини, чекланишини (юклатилишини), тугатилишини тан олиш ҳамда тасдиқлаш юридик амалидир.
  - 2.Кўчмас мулкка бўлган, шу жумладан битимларга асосланган ҳукуқларнинг вужудга келишини, чекланишини (юклатилишини), бошқа шахсга ўтишини, тугатилишини давлат рўйхатидан ўтказмаслик уларнинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.
  - 3.Кўчмас мулк обьектларига ҳуқуқнинг мавжудлиги кўчмас мулкка бўлган

хуқуқларни, шу жумладан бу хуқуқларнинг чекланишини (юклатилишини) давлат рўйхатидан ўтказиш юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган хуқуқлари мавжудлигининг ягона исботидир.

4. Кўчмас мулкка бўлган рўйхатдан ўтказилган хуқуқлар давлат ҳимоясида бўлади.

5. Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги факат суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

➤ **Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хуқуқлар:**

1. Мулк хуқуқи.
2. Ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хуқуқи.
3. Ижара (қўшимча ижара) хуқуқи.
4. Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш хуқуқи.
5. Кўчмас мулкни ишончли бошқариш хуқуқи.

➤ **Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган чеклашлар, шартлар:**

1. Ипотека.
2. Хатлаш.
3. Кўчмас мулкни ижарага ёки ишончли бошқаришга бериш.
4. Сотишни ёки ўзга тарзда бошқа шахсга беришни тақиқлаш.
5. Қўшимча ижара ва қўшимча пудратни, ижарага беришни тақиқлаш.
6. Ер участкасининг асосий мақсад вазифасини ўзгартиришни тақиқлаш.
7. Фаолиятнинг айрим турларини тақиқлаш.
8. Кўчмас мулкнинг ташқи кўринишини белгиланган тартибда келишмасдан туриб ўзгартиришни, бино, иморат, иншоотни реконструкция қилиш ёки бузиб ташлашни тақиқлаш.
9. Ерлар унумдорлигини сақлаш ва қўтариш, ирригация ва мелиорация тизимларини шай ҳолатда тутиш чораларини амалга ошириш шартлари.
10. Белгиланган муддатларда иморат солишни бошлаш ва якунлаш ёки ер участкасини ўзлаштириш шарти.
11. Электр тармоқларининг муҳофаза зоналари билан боғлиқ чеклашлар.

12. Табиатни муҳофаза қилиши талабларига риоя қилиш ёки муайян ишларни бажариш, шу жумладан ер участкасидаги тупроқ қатламини, ноёб ўсимликларни, маданий мерос объектларини асраш шарти.

13. Автомобиллар тўхташ жойларини, реклама ва вивескаларни жойлаштиришни тақиқлаш ёки чеклашлар ҳамда маданий мерос объектларини асраш учун зарур бўлган бошқа чеклашлар.

14. Ер участкасига бўлган хуқуқларнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари ҳамда иморат солиш қоидалари асосида юклатилиши ва чекланиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилишининг мажбурийлиги бошқа чеклашлар (шартлар).

15. Қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ белгиланган сервитутлар.

## **1.2. Рўйхатдан ўтказувчи органлар ва уларнинг асосий вазифалари**

➤ **Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида давлат бошқаруви:**

- *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарорига 5- иловасига асосан-*

1. Юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган хуқуқларини ва у ҳақда тузилган битимларни, ипотека ва ипотека тўғрисидаги шартномаларни қўшган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиаллари (кейинги ўринларда давлат рўйхатидан ўтказувчи орган деб аталади) амалга оширадилар

2.Юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида назарга тутилган кадастр ва рўйхатга олиш хизматларини тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси таркибида «бир ойна» бўлими ташкил этилади.

3.Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг раҳбари томонидан тайинланадиган масъул шахс (кейинги ўринларда рўйхатга олувчи деб аталади) томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади.

➤ “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги вазифалари:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарорига 5- иловасига асосан-

1.Кўчмас мулкка бўлган хукуқларни ва кўчмас мулкка доир битишувларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади.

2. Кўчмас мулкка бўлган хукуқлар, уларнинг бир хукуқ эгасидан иккинчисига ўтиши тўғрисидаги, кўчмас мулкка хукуқларни чегаралаш ва кўчмас мулкка доир бошқа битишувлар тўғрисидаги маълумотлар банкини ташкил этади.

➤ Рўйхатдан ўтказиш органларининг асосий вазифалари:

- 1.Кўчмас мулкка бўлган хукуқларни ва доир битишувларни давлат рўйхатидан ўтказишни 1-шаклга асосан амалга оширади;
- 2.Кўчмас мулкка бўлган хукуқлар, уларнинг бир хукуқ эгасидан иккинчисига ўтиши, кўчмас мулкка хукуқларни чегаралаш ва кўчмас мулкка доир бошқа битишувлар тўғрисидаги маълумотлар банкини ташкил қиласди.

### **1-шакл.**

3. Хукукий хужжатнинг қонунийлигини юридик текширувдан ўтказиш.
4. Кўчмас мулкка вужудга келган хукуқ, чеклав, тақиқларни давлат рўйхатидан ўтказиш.
- 5.Кадастр рақамларининг тўғрилигини тасдиқлаш.
6. Ананавий ва компьютер вариантларида реестрларни юритиш.
7. Рўйхатдан ўтказилган маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш.

### **1.3. Кўчмас мулкка бўлган хукуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини ташкил этишнинг асосий жиҳатлари**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарорига асосан-

1. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасини ташкил этиш билан боғлиқ барча зарур ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилишини;
- 2 ҳудудий бўлинмаларнинг ташкилий тузилмаси мазкур қарорга мувофиқлаштирилиши;
- 3 бўшаб қолаётган ходимларни ишга жойлаштириш бўйича белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўрилиши;
- 4 «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси марказий аппарати раҳбар ходимлари, ҳудудий бўлинмалар ва қўмитага қарашли тузилмалар раҳбарлари аттестациядан ўтказилишини таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузурида ҳудудий комиссиялар ташкил этилиши;
- 5 моддий-техник базани хатловдан ўтказилиши ва «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмаларини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурининг ишлаб чиқилиши.

➤ **Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини яратишдаги вазифалар:**

- 1.Туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматлари таркибида рўйхатдан ўтказиш бўлимларини ташкил этиш.
- 2.Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказиш марказларини ташкил этиш.
- 3.Республика миқиёсида ахборот –таксил маркази ташкил этиш.
- 4.Қонунчилик базасини ташкил этиш
- 5.Рўйхатдан ўтказиш технологиясини яратиш
- 6.Мутахасисслар билан таъминлаш

**1.4. Хорижий давлатларда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими**

➤ **АВСТРИЯ**

1985 йилдан ташкилий жиҳатдан Ер китоби ва кадастр битта ҳисобланади ва

марказлашган ҳолда юритилади. Ер китоби Федерал адлия вазирлиги, кадастр эса Федерал Иқтисодий масалалар вазирлиги тасарруфидадир. Ер китоби ва кадастр Федерал Хукуматга бўйсунади.

Кўчмас мулк объектларини шакиллантириш (инвентаризация, баҳолаш, кадастр суръатга олиш, юридик хужжатларни йифиш) ҳусусий геодезистлар томонидан ҳам олиб борилади.

### ➤ **БҮЮК БРИТАНИЯ**

Кўчмас мулк кадастри - мулкий ҳуқуқ химояси тизимининг функциональ бирлиги сифатида мавжуд эмас. 1862 йилдан ер участкаларига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш - ер участкалари номлари Реестри амалга киритилди.

Кўчмас мулкни шакиллантириш (инвентаризациялаш, баҳолаш, кадастр суръатига олиш, юридик хужжатларни йифиш), ўлчаш ишлари бўйича ҳусусий бюролар томонидан олиб борилади, улар шунингдек, кадастр юритишни ҳам амалга оширадилар.

### ➤ **ГОЛДАНДИЯ**

- Ер китоби ва кадастри юритиш функциялари Уй-жой қурилиши, режалаштириш ва атроф-муҳитни химоя қилиш вазирлиги тасарруфидаги «Кадастр» хизматлари томонидан олиб борилади.

### ➤ **ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ**

- Германия тизими ташкилий жиҳатдан Ер китоби ва Ер кадастрига бўлинади. Тизим тарих давомида шундай шакилланганки, Ер китобини юритиш - ер участкасига бўлган юридик маълумотлар Реестри сифатида (мулкка муносабат, ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқий ҳолатлар) Федерал адлия вазирлиги (рўйхатдан ўтказиш судлари) томонидан амалга оширилади.
- Ер кадастри эса - мулкни ҳақиқий ҳолатини (таркибини) исботи сифатида (бунда: номи, ҳолати, ўлчами, қурилиш иншоотлари, фойдаланиш ва бошқ.) юритилади ва Федерал ер ваколатида ҳисобланади.
- Кўчмас мулкни шакиллантириш ҳусусий геодезистлар томонидан ҳам амалга оширилади.

## ➤ **ФРАНЦИЯ**

- Кўчмас мулк Реестри – кўчмас мулкни ипотекаси ва гарови картотекалари бўйича Молия вазирлиги таркибига кирувчи Асосий ҳукуқлар ва ипотекалар реестр хизмати томонидан юритилади. Сақлаш вазифаси (обременение) бўлмаган ер участкалари рўйхатдан ўтказилмайди.
- Маҳаллий ҳокимият органларининг кадастр хизматлари ўлчашлар асосидаги, солик солиш учун асос бўлиб хизмат қиласиган график кадастрни юритадилар.

## ➤ **АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ**

- Тўла қамровли кадастр мавжуд эмас. Ерларни рўйхатдан ўтказиш, ўлчаш ёки маркировкалаш мажбурияти йўқ.
- Мулкни бошқа шахсга ўтказиш: ёзма шаклда тузилган олди-сотди тўғрисидаги мажбурият шартномаси, камида сўнгги 30 йил ичидан ушбу мулкка бўлган ҳукуқни исботлашда адвокат иштироки, тегишли ер участкаси бўйича суғурта компанияси томонидан бериладиган тарихий маълумот ва мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги Жамоа реестрига киритиладиган ҳужжат каби бир нечта этапларда амалга оширилади. Реестр ҳусусий суғурта компаниялари томонидан юритилади.

## ➤ **ШВЕЙЦАРИЯ**

- Кадастр тизими иккита орган: Федерал адлия вазирлиги тасарруфидаги Ер китоби, ва кантонлар тасарруфидаги кадастр воситасида бутун мамлакат ҳудудида бир ҳил шаклга келтирилган (унификацияланган).
- Кўчмас мулкни шакиллантириш ишлари шунингдек ҳусусий геодезистлар томонидан ҳам олиб борилади.

## ➤ **ШВЕЦИЯ**

- Кўчмас мулкни шакиллантириш ва унга бўлган ҳукуқни давлат рўйхатидан ўтказиш Швеция Миллий ер хизматининг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.
- Рўйхатдан ўтказиш тартиби тўлиқ автоматлаштирилган, ер ахборотлари ягона маълумотлар банки амал қиласиди. Мазкур соҳада Швеция

дунёда етакчи ҳисобланади.

#### ➤ **АРМАНИСТОН**

- Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш (ер участкалари, бино ва иншоотлар) Хукумат қошидаги Кўчмас мулк кадастри давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.
- Кўмита зиммасига кўчмас мулкни шакиллантириш (кадастр суратга олиш, инвентаризация ва баҳолаш) функцияси ҳам юклатилган.

#### ➤ **БЕЛАРУС РЕСПУБЛИКАСИ**

- Кўчмас мулк обьектларини техник инвентаризациялаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш Уй-жой коммунал хўжалик вазирлигининг кўчмас мулкни ҳисобга олиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш Республика маркази - давлат унитар корхонаси ҳамда маъмурӣ-ҳудудий бирликлардаги рўйхатдан ўтказиш ва техник инвентаризациялаш органлари томонидан амалга оширилади.

#### ➤ **ҚОЗОҒИСТОН**

- Хукуматнинг 1997 йилги қарори билан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш функцияси шунингдек олдин маҳаллий ижро органлари қошида ташкил этилган кўчмас мулкни баҳолаш ва давлат рўйхатидан ўтказувчи корхоналар (кейинчалик Кўчмас мулк марказлари деб қайта номланган) Адлия вазирлиги ихтиёрига берилди.

- Кўчмас мулкни шакиллантириш бўйича ишлар, Ер ресурсларини бошқариш агентлиги (ер участкалари) ва ТИКБ (бино ва иншоотлар)лар томонидан амалга оширилади.

#### ➤ **ҚИРҒИЗИСТОН**

- Рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулкни шакиллантириш (ер участкалари, бино ва иншоотлар) функциялари 1999 йилдан Ер тузиш, геодезия ва картография давлат агентлиги ҳамда туман ва шаҳар ТИКБлари базасида ташкил этилган Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатидан ўтказиш давлат агентлиги томонидан амалга оширилади

## ➤ **ЛИТВА**

- Хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш (ер участкалари, бино ва иншоотлар) ҳамда кўчмас мулкни шакиллантириш, «Регистрлар маркази» давлат корхонаси томонидан амалга оширилади. «Регистрлар маркази» давлат корхонаси кўчмас мулк регистридан ташқари «Юридик шаҳслар ва адреслар Регистри»ни ҳам юритади.

## ➤ **МОЛДОВИЯ**

- «Кўчмас мулк кадастри тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда кўчмас мулкни шакиллантириш ишлари Ер муносабатлари ва кадастр агентлиги томонидан амалга оширилади. Агентликни таркибига ТИКБ ва ер тузиш хизматлари ҳам киради

## ➤ **РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ**

- «Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш» Қонунига мувофиқ, кўчмас мулкка бўлган хуқуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ягона давлат Реестрини яратиш ва юритиш Адлия органлари зиммасига юклатилган.
- Кўчмас мулк обьектларини техник инвентаризациялаш ва давлат ҳисобини олиб бориш бир нечта ташкилот (орган)лар орқали амалга оширилади жумладан:
- Геодезия ва картография Федерал хизмати; Федерал ер кадастри хизмати; Қурилиш ва уй-жой коммунал комплекси давлат қўмитаси.

## ➤ **УКРАИНА**

- Кўчмас мулкни шакиллантириш ва унга бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш функциялари Ер давлат қўмитаси ва ТИКБ орасида бўлинган бўлиб, қайси-ки тегишлилиги бўйича ер участкаларига ҳамда бино ва иншоотларга жавоб беради.

## ➤ **ЭСТОНИЯ**

- Кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш Адлия

вазирлиги таркибидаги маҳсус судлар томонидан амалга оширилади.

- Кўчмас мулкни шакиллантириш ишлари ерларни баҳолаш бўйича корхоналар ёки ҳусусий топографлар орқали амалга оширилади.

## ➤ **ЎЗБЕКИСТАН**

- 2004 йилгача бўлган даврда кўчмас мулкка бўлган ҳукуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ташкилий жиҳатдан кўчмас мулкни турига қараб учта ҳар-хил (Давлат ер қўмитаси, «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси ва ТИКБ) ташкилот орқали амалга оширилган.
- Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли қарорига мувофиқ учта идора қўшилиши муносабати билан қайта ташкил этилди ва кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва кадастрни юритиш ишлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг зиммасига юклатилди. Ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда. Қуйида Ўзбекистон Республикаси ва бошқа етакчи хорижий давлатларнинг рўйхатдан ўтказиш тизимининг солиштирма тахлили 1-жадвалда келтирилди:

**1-жадвал.**

## **2-БОБ. РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШДА ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР**

### **2.1. Рўйхатдан ўтказиш тизимини яратиш**


➤ **Рўйхатдан ўтказиш тизимини яратишда амалга оширилиши керак бўлган ишлар:**

- Тизимни лойихалаш.
- Керакли воситалар, дастурлар, жиҳозлар ва материалларни сотиб олиш.
- Кадастр хизматлари таркибида ахборот - тахлил марказларини ташкил этиш
- Мутахасиссларни тайёрлаш
- Ягона комъютер тармоғига ўланиш
- Рўйхатдан ўтказиш учун жавобгар бўлган ягона марказий ташкилот ташкил этиш.
- “Бир ойна” орқали кадастр хизматларининг ишлаб чиқари бўлимлари ва рўйхатдан ўтказиш бўлими ўртасида ўзаро хамкорлигига эришиш.
- Восита ва жиҳозларни жойлаштириш, аълоқа ва тарнспорт масалаларини хал этиш.

➤ **Рўйхатдан ўтказиш тизимини яратишда амалга оширилган ишлар:**

Ўзбекистон Республикасида ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янада қулай шартшароитлар яратиш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ тартиботлар сонини ва муддатларини қисқартириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2014 йил 7 январдаги «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1-сонли қарорига асосан қўйидаги такомиллаштиришлар амалга оширилди:

## Кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш СХЕМАСИ



### 2-шакл.

2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан биргаликда амалдаги «бир ойна» принципи бўйича кўчмас мулкка бўлган хукуқларни рўйхатдан ўтказиш бўйича амалдаги дастурий таъминотни ушбу қарор талабларига

мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди (3-шакл).



**3-шакл.**

3. Туман (шаҳар) ер кадастри дафтарини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ягона “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестри” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди хамда ишлаб чиқаришга жорий этилди.

4. Ер кадастри дафтарини юритиш бўйича маълумотлар базаси мунтазам янгиланиб боришини таъминловчи дастурий таъминот ишлаб чиқилди ва уни 2015 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқаришга жорий қилинди;

5. Мутахассисларни кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ер кадастри дафтарини юритишнинг ушбу қарор билан белгиланган тартибидан фойдаланган ҳолда бир ой муддатда ўқитиш бўйича семинарлар ўтказилди.

## 2.2. Қонунчилик базасини ташкил этиш

➤ **Қонунчилик базасини ташкил этишда мавжуд муоммалар:**

- Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишда ҳар хил

хуқуқий кучга эга бўлган қонун ва қонун ости норматив хуқуқий хужжатларининг мавжудлиги.

- Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида муносабатларини тартибга солувчи маҳсус қонуннинг йўқлиги.
- Ипотека шартномаларини рўйхатдан ўтказишда тўловларини ва йиғимларини амалга оширишда қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги.
- Махалий давлат ҳокимяти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларда хуқуқ турининг кўрсатилмаслига ва бошқалар.

➤ **Қонунчилик базасини ташкил этиш соҳасида амалга ошириладиган ишлар:**

1. Кўчмас мулкка бўлган хуқуқни далат рўйхатидан ўтказиш қонунини қабул қилиш.
2. Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ягона Йўриқномани кучга киритиш.
- 3.Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнларига тегишли бўлган Қонун ва қонун ости хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

➤ **Қонунчилик базасини ташкил этиш соҳасида амалга оширилган ишлар:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик мухитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2014 йил 7 январдаги «Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1-сонли қарори қабул қилинди.
- 2.Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди ва тасдиқланиб иш юритишга жорий этилди.

➤ **Рўйхатдан ўтказиш органларининг аҳборот манбалари**

## **I. Қоғоз кўринишидаги архив хужжатлари:**

1. Ер қурилиши ишлари хужжатлари (ер кадастри хужжатлари-ердан фойданалувчиларнинг ҳуқуқларини расмийлаштириш хужжатлари).
2. Туман (шаҳар) ҳокимликларининг ер ажратиш тўғрисидаги қўрсатма хужжатлари.
3. Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери, гувоҳномаси.
4. Ер участкасига ижара шартномалари.
5. Ердан фойдаланувчиларининг Декларацияси.
6. Туман (шаҳар) кадастр картси.
7. Топографик ва шаҳарсозликни тартибга солувчи аҳборотларга эга бўлган туман (шаҳар) Оператив картаси.
8. Ижара ҳақини тўлаганлиги тўғрисидаги тўлав қоғозлари.
9. Конкурсларга ва аукционларга қўйилган ер участкаларининг Реестрлари.
10. Шаҳарсозлик ва ер мунасобатлари бўйича вилоят ва шаҳар комиссияларининг йиғилиш баённомалари.
11. Кадастр хизматлари номига келиб тушган хатлар ва аризалар.
12. Судда кўриб чиқилган ер тортушувлари материаллари.
13. Шаҳар ҳудудларида ўтказилган инвентаризация материаллари.
14. “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси материаллари.
15. Ҳокимият қошидаги ер комиссиясининг материаллари ва баённомалари.
16. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
17. Меъёрий ва услубий хужжатлар.

## **II. Кадастр ва реестр китоблари:**

1. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга оид муолажалар учун ариза ва хужжатларни қабул қилиш реестри.
2. Доимий эгалик қилиш ҳуқуқида бўлган ер участкалари реестри.
3. Доимий фойдаланиш ҳуқуқида бўлган ер участкалари реестри.
4. Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида бўлган ер участкалари реестри.

5. Муддатли фойдаланиш ҳуқуқида бўлган ер участкалари реестри.
6. Ижара ҳуқуқида бўлган ер участкалари реестри.
7. Бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни ва улар ҳақида тузилган битимларни рўйхатдан ўтказишга доир аризаларни қабул қилиш реестри.
8. Ахборотни излаш ва уни беришга доир сўровномалар реестри.
9. Бинолар, иншоотлардан фойдаланиш учун ишончномалар реестри.
10. Давлат мулкида бўлган бино ва иншоотлар реестри.
11. Умумий (жамоа) мулкида бўлган бино ва иншоотлар реестри.
12. Муниципал мулкда бўлган бино ва иншоотлар реестри.
13. Хусусий мулкда бўлган бино ва иншоотлар реестри.
14. Хорижий юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган бино ва иншоотлар реестри.
15. Хатга олинишлар ва тақиқлар реестри.
16. Бино ва иншоотлар ижараси реестри.
17. Бино ва иншоотларни гаровга қўйиш (ипотека) реестри.

### **III. Компьютер кўринишидаги аҳборотлар банки :**

1. График кўринишдаги аҳборотлар.
2. Семантик кўринишдаги аҳборотлар.
3. Словарлар, справочниклар, классификаторлар.
4. Услубий қўлланмалар (Методический база).

### **IV. Маълумотнома кўринишидаги аҳборотлар:**

1. Рестр кўринишдаги 1:2000 масштабдаги топографик кврталар.
2. Ҳудудларнинг маъмурий бўлакларга бўлиниши (Генплан).
3. Ҳудудларнинг маъмурий чегаралари (лойхалари ва тасдиқланганни).
4. Ҳудудларнинг алоҳида қисимларининг (муниципальных округов) маъмурий чегаралари (лойхалари ва тасдиқланганни).
5. Ҳудудларнинг маъмурий бўлакларга бўлиниши эски карталари.
7. шаҳарларнинг ҳудудий бўлиниши.
8. Саноат зоналарининг чегаралари ва тартиб рақами.
9. Аҳоли яшаш жойларининг (селитебных зон) зоналари ва тартиб рақами.

10. Умумий фойдаланишдаги ерлар (шу жумладан кўчалар, майдонлар, ўтиш жойлари).

11. Сув фони ерлари.

12. Шаҳар инфраструктураси ерлари (темир йўллар, электор тормоқлари, трубопроводлар ва х.к.).

13. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратилган ерлар.

#### **V. Кадастр бўлакларига бўлиш:**

1. Кадастр зоналари, массивлари, мавзелари чегаралари.

2. Базавий зоналарнинг чегаралари.

3. Иқтисодий зоналарнинг чегаралари.

#### **VI. Ердан фойдаланувчиларнинг хукуқларини расмийлаштириш**

##### **оператив картлари:**

1. Ер участкаларига бўлган хукуқларни расмийлаш-тириш босқичлари ва хужжатлари кўрсатилган ер участкаларнинг чегаралари (қисқа ва узок муддатли ижара шартномалари, давлат ордерлари, декларация, кўрсатма хужжатлар).

2. Ер участкасининг кадастр рақами, берилган хужжат ёки шартноманинг тартиб рақми ва берилган вақти.

3. Тўлавлар бўйича имтиёзга эга бўлган ер участкалари .

4. Ер учун ҳақ тўлаш бўйича ер участкасининг таснифи.

5. Ер солиғи

6. Ижара тўлавлари.

7. Ижара тўлавларининг базавий ставкасига ўзгартириш коэффициентлари.

8. Қисман чегирмалар (скидка).

9. Регулятив чизиқлар (Генплан).

10. Қурилишларни чеклавчи қизил чизиқлар.

11. Қурилиш зоналари чизиқлари.

12. Темир йўллари учун ажратилган ерлар (полоса отвода железных дорог).

13. Техник зонлар.

14. Меъморий ёдгорликларни қўриқлаш зоналари чегаралари.

15. Меъморий ёдгорликларга яқин жойларда қурилишларни тартибга солиш чегаралари.
16. Боғ-парк маданияти ёдгорликлари худудларининг чегаралари.
17. Табият ёдгарликлари чегаралари.
18. Боғ-парк маданияти ва табият ёдгорликларини кўриқлаш зоналари чегаралари.
19. Боғ-парк маданияти ва табият ёдгорликлари ландшафтларини кўриқлаш зоналари чегаралари.
20. Боғ-парк маданияти ва табият ёдгорликларида қурилишни татибга солиш зоналари чегаралари.
21. Шаҳар қурилишида заповедник зоналарининг чегаралари.
22. Жамоат марказлари зоналарининг чегаралари.
23. Темир йўллар бўйлаб шовқиндан ҳимоя қилиш полосалари.
24. Археологик зонлар.
25. Шаҳарсозлик режимидағи маҳсус зоналар, марказининг тарихий-меъморий зонаси.
26. Қурилиш баландлиги бўйича чекланган зонлар.
27. Сув иншоотларини кўриқлаш зоналари
28. Қирғоқ бўйи зоналари чегаралари, санитар-кўриқлаш зоналари чегаралари.
29. Ташибилотлар учун ажратиладиган ерлар чегаралари (лойихавий таклифлар);
30. Корхоналарни чиқариш учун мўлжалланган тасдиқланган ерларнинг чегаралари.
31. Шаҳарсозлик зоналари. (Генплан)
32. Ўрмон хўжалиги ҳимоё пояслари чегаралари.
33. Автомашиналар учун турар жой майдонлари, жамоат транспортлари учун тўхташ жойлари.
34. Жамоат транспортларининг оҳирги тўхташ станциялари майдонлари.
35. Метрополитен станциялари ва пиёдаларнинг ер ости ўтиш йўллари.

36. Рекреация зонлари чегаралари.
37. Шаҳар миқиёсидаги кўкаламлаштирилган ҳудудлар ва участкаларнинг чегаралари.
38. Профектура мақсадида кўкаламлаштирилган (лесопарклар, парклар, скверлар, бульварлар) ҳудудлар ва ер участкаларининг чегаралари.
39. Шаҳар ерлари мониторинги тематик картлари.
40. Ерлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.
41. Мухандислик-геологик маълумотлар.
42. Мухандислик-гидрологик маълумотлар.
43. Шаҳар ерларининг экологик характеристики.
44. Негатив жараёнларнинг ривожланиши.
45. Ерларнинг иқтисадий характеристикаси.
46. Ер участкаси ҳудуднинг мухандислик жихозлари қиймати бўйича характеристикаси.
47. Ер участкаси ҳудуднинг мухандислик жихозлари қиймати бўйича характеристикаси.
48. Ернинг нуфизлиги кўрсатгичлари.
49. Ернинг транспорт тармоқлари бўйича характеристикаси

### **2.3. Рўйхатдан ўтказиш технологиясини яратиш**

- **Рўйхатдан ўтказиш технологиясини яратишда мавжуд муоммалар:**
- Ҳуқуқни рўйхатдан ўтказишда реестларнинг кўплиги.
  - Рўйхатдан ўтказиш ва реестрларни юритиш қўлада (қоғоз вариантда)

бажарилиши.

- Кадастр хариталари ва планларини яратиш ва юритиш йўлга қўйилмаганлиги.
- Рўйхатдан ўтказиш жараёнларининг керакли даражада компьютерлаштирулмаганлиги.
- Қоғоз вариантда мавжуд бўлган кадастр маълумотларини электрон рақамли маълумотларга ўтказишда муоммаси.
- Тураг уй-жойлар эгаллаб турган ер участкаларига бўлган ҳуқунинг деярлик давлат рўйхатидан ўтказилмасилиги.

➤ **Рўйхатдан ўтказиш технологиясини яратиш соҳасида амалга ошириладиган ишлар:**

- Uzbek Land Register 2.2, ArcGIS, тизимида кўчмас мулк кадастрини юритиш ва ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга ўтишни тугатиш.
- Кўчмас мулкк бўлган ҳуқуқлар маркази банкини ташкил этиш.
- Давлат интерактив хизматини кўрсатишни бошлаш.

➤ **Рўйхатдан ўтказиш технологиясини яратиш соҳасида амалга оширилган ишлар:**

1.Туман (шаҳар) ер кадастри дафтарини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ягона “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳакда тузилган битимлар давлат реестри” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилди;

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон Фармонига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига, бинолар ва иншоотларга (шу жумладан ер ости иншоотларига), кўп йиллик дов-дараҳтларга бўлган ҳуқуқларини, шунингдек ипотекани ҳамда бинолар ва иншоотлар ва ер участкаларига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаб, «бир ойна» тамойили бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби

ишлаб чиқилди (4-шакл) ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.



#### 4-шакл

3. Ер кадастри дафтарини юритиш бўйича маълумотлар базаси мунтазам янгиланиб боришини таъминловчи дастурий таъминот ишлаб чиқилди ва уни 2015 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқаришга жорий қилинди;

#### 2.4. Мутахасисслар билан таъминлаш

- **Мутахасисслар билан таъминлашда мавжуд муаммолар:**
  - Хуқуқий харакатлар ва компьютер технологиялари бўйича мутахасислариниг тайёргарлик даражасининг етарли эмаслиги.

- Рўйхатдан ўтказиш органлари ходимларининг етарли даражарда маблағ билан таъминланмаганлиги.

➤ **Мутахасисслар билан таъминлаш соҳасида амалга ошириладиган ишлар:**

- Рўйхатдан ўтказиш бўлимлари ходимларининг кенг қамравли малакасини ошириш ишларини якунлаш.
- Рўйхатдан ўтказиш бўлимлари ходимларининг доимий малакасини ошириш ва сертификациялаш амалиётини қўллаш (камида 3 йилда бир марта).
- Регистрация ишларига ҳуқуқшунос мутахасиссларни жалб этиш ёки мавжуд имконятдан келиб чиқсан холда қайта таёrlаш.
- Рўйхатдан ўтказувчиларни камида 3 йилда бир марта аттестациядан ўтказиб туриш.
- Рўйхатдан ўтказувчиларни ишга жалб этишни конурус асосида амалга ошириш.

➤ **Рўйхатдан ўтказиш тизими니 мутахассисслар билан таъминлашда амалга оширилган ишлар:**

- Мутахассиссларни кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ер кадастри дафтарини юритишнинг ушбу қарор билан белгиланган тартибидан фойдаланган ҳолда бир ой муддатда ўқитиш бўйича “Геодезия ва картография миллий маркази”да семинарлар ўтказилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Ўзбекистон республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3024-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлиги, Ўрта маҳсус, касбхунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда бошқа

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда қуидагилар белгиланди:

- 1.Икки ой муддатда янгиланган «хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари Классификатори» асосида ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг назоратини кучайтириш, геодезия ва картография фаолияти бўйича малакали кадрларни тайёрлашда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, йўналишлар, касб ва ихтисосликлари бўйича рўйхатни белгилаш, уларни амалга оширадиган олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларини аниқлаш, ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастрлари билан боғлиқ корхоналар ва ташкилотларда ўқитиш, амалиёт ўтказиш ва тажриба орттириш мажбуриятини ҳисобга олган ҳолда, улар бўйича таълим стандартларини, ўқув режалари ва дастурларини замонавий талаб ва халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда, қайтадан танқидий кўриб чиқиш;
- 2.Хар йили, ихтисослашган олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул квотасини шакллантиришда ер тузиш, геодезия ва картография фаолияти соҳасида малакали кадрларга бўлган реал эҳтиёжни ҳисобга олиш;
- 3.Олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини танлаган касб ва ихтисосликлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг корхона ва ташкилотларига ишга жойлаштиришни, аввало ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбарларининг бу борадаги масъулияtlарини назорат қилиш ва кучайтиришнинг амалий механизмини таъминлаш.

**З-БОБ. КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ  
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ИШЛАРИ  
МЕХНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА АТРОФ МУХИТ МУХОФОЗАСИ**

## **ТАЛАБЛАРИ**

### **Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари**

Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Узбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари кодекси асосида олиб борилади. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг қатор масалалари Конституцияда акс эттирилган. Меҳнаткашларни хавфсиз ва соғлом меҳнат шароити билан таъминлашни давлат ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди, бунинг учун зарур бўлган чора тадбирларни қонун асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрида 12-чақириқ ИИ сессиясида тасдиқланган Конституциянинг 18—20, 27, 29, 36—42-моддаларида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари баён этилган.<sup>8</sup>

Конституция барча фуқароларни меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлайди, яънк меҳнаткашлар маълум микдор-да ҳақ олиш ҳисобига иш билан таъминланадилар. Бу ҳуқуқ ҳафтасига 41 соатдан ошмаган иш соати белгилаш асосида ва йилига бир марта ҳақ тўланадиган (дам олиш) таътил бериш йўли билан амалға оширилади.

Конституция бепул даволаниш, қариганда ёки меҳнат қилиш қобилиятини қисман ёки батамом йўқотганда со-циал таъминланиш ҳуқуқларини ҳам беради.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қилиш қонуниятла-ри меҳнаткашларга яратиб бераётган шароитлар ва ҳуқуклар ҳамда уларни назорат қилиш жиҳатидан дунёда энг илгор ҳисобланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунларини яратиш ва амалга оширишда касаба уюшмалари фаол қатнашади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари кодексида соғлиқни сақлаш, хавфсиз ва соғлом шароит яратиш, ҳалқ учун маданий ва майший фаровонликни таъминлашга оид кўпгина масалалар кўриб чиқилган. Масалан, жамоа шартномаси, меҳнат шартномаси, иш билан таъминлаш, иш вақти, дам олиш вақти, иш ҳаюи, кафолатлар ва компенсациялар, меҳнат

мухофазаси, аеллар меҳнати, ёшлар меҳнати, имтиёзлар, меҳнат низолари, назорат, меҳнат интизоми ва ҳ. к. 1960—1961 йиллар давомида 7 соатлик иш кунига ўтилди ва шанба куни 6 соатлик иш куни деб белгиланди. 1967 йил 1 январидан эътиборан 41 соатлик иш вақти сақланган ҳолда 5 кундик иш ҳафта-сига ўтилди. Бу ўзгариш меҳнаткашларнинг иш шароитларини яхшилаш билан бирга, ўқишилари ва меҳнат қилишлари, мутахассислик малакаларини оширишлари учун маълум янгиликлар тұғдирди. Меҳнат қонуниятлари иш вақтидан ортиқ меҳнат қилишни бутунлай таъкиқлайди. Ортиқча меҳнат қилишга корхона касаба уюшмаси қўмитаси рухсати билангина йўл қўйилади.

Меҳнаткашлар ҳар йили бир марта 24 кундан кам бўлма-ган миқдорда ҳақ тўланадиган таътил билан таъминланадилар. Бу уларнинг меҳнат фаолиятини тиклаш, соғлиқларини мустаҳкамлаш имкониятини туғдирди. Мавсум давомида ва вақтинча ишловчилар учун таътил фарқли даражада бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда аёлларнинг эркаклар билан teng хуқуқлиги таъминланган. Аеллар организмининг баъзи хусусиятларини, аёлларнинг оиласидаги, жамоадаги меҳнатини ҳисобга олиб, қонунда улар учун маълум янгиликлар ва маҳсус нормалар белгиланган.

Аёллар соғлиғига зарар келтиришини ҳисобга олиб, баъзи бир ишларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади. Масалан, кимё саноатининг баъзи тармоқларида, ер ости ишларида ва бошқа бир қанча ишларда аёлларнинг меҳнат қилишига йўл қўйилмайди. Баъзи ҳолларда корхона участкаларида юкларни қўл билан кўтариб кўчириш ҳоллари учраб туради. Шунинг учун аёллар учун юк кўтариш нормаси қўлда 20 кг, замбилғалтакда 50 кг дан ошмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган.

Ҳомиладор ва эмизикли аёллар учун енгилликлар яратилган. 1 ёшгача болалари бўлган аёлларни тунги (соат 22 дан соат 6 гача), ишданлашқари, дам олиш кунларидағи ишларга жалб қилиш ва хизмат сафарларига юбориш таъ-қиқланали. Маъмурият баъзи ҳолларда шундай аёлларни шифокор

хулосасига асосан, ўртача иш ҳақини сақлаган ҳолда енгил ишларга ўтказиши лозим. Аёлларга туғищдан олдин ва туғандан кейин 70 кундан ҳақ тўланадиган таътил берилади. Ундан ташқари фарзанд кутаётган ва эмизикили аёллар учун бир қанча имтиёзлар берилади. Корхоналарда ишловчи аёллар учун бола эмизиш хоналари, душ хоналари ва шахсий гигиена хоналари ташкил қилинади.

Мехнатъ қонунияти ўсмиirlар меҳнатини муҳофаза қи-лишга ҳам алоҳида аҳамият беради. 16 ёшга тўлмаган ўсмиirlар ишга қабул қилинмайди. Баъзи ҳолларда улар завод, фабрика, касаба уюшмаси қўмитаси рухсати билан ишга қабул қилиниши мумкин. 16 ёшгача бўлган ўсмиirlар учун 24 соатли, 18 ёшгача бўлганлар учун 36 соатли иш ҳафтаси жорий қилинган. Улар учун тўланадиган иш ҳақи айнан шу категориядаги ишларда ишлайдиган балоғат ёшидаги ишчиларнинг ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Ўсмиirlар учун йилнинг энг яхши даврларида ёки ўзи хоҳлаган вақтда бир календар ой миқдорида таътил бери-лиши керак. Уларнинг меҳнатидан тунги ишларда, дам олиш кунларида фойдаланиш бутунлай таъқиқланади. Уларни соғлиқлари учун заарали бўлган ишларни бажаришга жалб қилиш мумкин эмас.

18 ёшга тўлмаган ўсмир болаларга 16 кг гача, қизлар учун эса 10 кг гача бўлган юкларни ташишга рухсат этилади. Улар балоғат ёшига етгунларига қадар режага мувофиқтибиёт кўригидан ўтказилиб турилади, зарур бўлганда дархол хавфсиз ва енгилроқ ишга ўтказилади.

Бизнинг давлатимизда саноат корхоналарини механизациялаш, автоматлаштириш ва саноат корхоналари технологиясига янгидан янги фан ва техника ютуқларини жорий этиш натижасида ишлаб чиқариш санитария гигиена шароити яхшилаб борилмоқда. Лекин баъзи бир участкаларда заарали иш шароити бўлган жойлар ва муҳит учраб туради. Мехнат қонуниятига асосан бундай жойларда ишловчилар учун устама ҳақи тўланади ёки иш со-ати қисқартирилади. Иш соатининг қисқартирилиши натижасида

ишчи заарли муҳитда камроқ бўлади ва натижада камроқ заарланади. Кўпгина кимё саноати корхоналарида иш соати кунига 4 ёки 6 соат қилиб белгиланган. Бундан ишловчиларнинг 30%и фойдаланади.

Бундан ташқари заарли муҳитда ишловчилар учун қўшимча таътил жорий қилинган бўлиб, у 12—36 кунгача бўлиши мумкин. Қўшимча таътидцан ишловчиларнинг 70% фойдаланади.

Заарли жойларда ишлаган ишчилар учун устама ҳаки тўлаш ҳам жорий қилинган. Бу имтиёз бир қанча цехлар-да ойликнинг 13% ни, ўта заарли ишларда эса 30—35% ни ташкил этади. Корхоналардаги ишчи хизматчиларнинг 80% устама ҳақ олиш имкониятидан фойдаланадилар.

Соғлиқ учун ўта хавфли шароитларда ишлаётганларнинг касб касалликларига чалинмасликларини таъминлаш ва соғлиқларини мустаҳкамлаш мақсадида уларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари (сут ва ҳ.к.) берилади. 0,5 литр сут ёки бошқа маҳсулот олиш зарур бўлган касбларни корхона раҳбарлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда белгилайдилар. Бундай имтиёздан 30% ишчи ва хизматчилар фойдаланадилар.

Шунингдек, заарли муҳитда ишлаётганлар учун хавф-сизликни таъминлаш, соғлиқни сақлаш мақсадида меҳнат қонунчилигига асосан шахсий муҳофаза воситалари корхона ҳисобидан бепул берилади. Газниқоб, респира-тор, кўзойнак, ҳимоя мосламалари, дизлектрик калиш, поёндоz, кийимлар, халат ва қўлқоплар ана шундай ҳимоя воситаларига мисол бўла олади. Корхоналарда ишчилар-нинг 80%, муҳандис-хизматчиларнинг 20% ҳимоя воситаларидан фойдаланади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида заарли ва оғир меҳнат шароитида ишлаётганлар касб касалликларига учрамасликлари ва саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида (ҳар 3, 6, 12 ойда) тиббиёт кўригидан ўтказилади, за-руриятга қараб кўшимча чоратадбирлар кўрилади.

Хавфсиз ишлаш шароитини яратиш борасида йўл қўйилган ҳар қандай камчилик ёки хавфсиз ишлаш шароитини яхши ташкил қилмаслик

натижасида ишчининг бахтсиз ҳодисага учраши саноат корхонасининг ёки раҳбар ходимларининг айби ҳисобланади. Моддий йўқотишни қоплаш микдори ва тартиби маҳсус қоидалар асосида олиб борилади.

### **Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ўқитиши**

Давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси эканлиги Меҳнат қонунлари кодекси (МҚҚ ёки КЗОТ)да ёзиб қўйилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини уюштириш 1980 йил 10 июлда тасдиқланган ва 1984 йил 14 ноябрдан кучга кирган ягона «Низом»га асосланади. Ишлаб чиқаришда техника хавфсизлиги, санитария гигиена ҳолати бўйича жавобгарлик корхона бошлиғи директор ва муҳандис зиммасига юклатилган. Цех, бўлим, участка, лаборатория-ларда уларнинг бошлиқлари жавобгардирлар.

Корхона бошлиғи ажратилган маблағ ва воситалардан режали фойдаланилиши, хавфсизлик техникаси қонун қоидалари ва нормаларига риоя қилиниши, меҳнат қонунчилигига амал қилиниши, вазирликдан ва давлат назорати инспекциясидан бериладиган фармойиш, кўрсатмаларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатади. Меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизимининг татбиқ қилинишини таъминлайди, меҳнат шароитини яхшилаш, санитария соғломлаштириш тадбирлари ҳақида тузилган режаларни қўриб чиқади ва уларни юқори ташкилотга тасдиқлаш учун тақдим этади, касаба уюшмаси қўмитаси билан келишади. Номенклатура чора тадбирларнинг бажарилиши учун зарур бўлган маблағни ажратади, бажарилишини текширади.

Ҳар йили муҳандис техник ходимлар билан кенгаш ўтказади. Статистик ҳисобот, бахтсиз ҳодисалар ахборотини ўз вақтида тавсия этилишини таъминлайди.

Бош муҳандис корхонада барча ташкилий-техникавий ишларни бажаради, бунинг учун меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича бош муҳандис ўринбосари лавозими бўлиши мумкин. Катта корхоналарда

ишлаб чиқариш қуввати хавфлилиги жиҳатидан меҳнат муҳофазаси бўлими ташкил этилади. Кичик корхоналарда эса хавфсизлик муҳандиси иш юритади ва у бош муҳандисга бўйсунади.

Бош муҳандис корхона бўйича меҳнат муҳофазаси хизмати ишларига раҳбарлик қилади, тузилган режани қўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими (ММҚБ) ўз фаолиятини корхонанинг бошқа бўлимлари, касаба уюшмаси қўмитаси, меҳнат бўйича техник назоратчи, маҳаллий давлат назорат органлари билан биргаликда тасдиқланган режа асосида олиб боради.

Бўлим қуидаги вазифаларни бажаради:

-хавфсиз, соғлом меҳнат шароитини яратиш учун ишларни такомиллаштириш;

-шикастланиш, касалликдан огоҳлантириш;

илғор, самарали тажриба, илмий усулларни татбиқ қилиш;

корхонада назорат ўрнатиш, шикастланиш ва касалланишларнинг сабабларини текшириш;

шароитни яхшилаш борасида чоратадбирлар иш-лаб чиқиш;

қайта таъмирланган, янги қурилган бинолар, ўр-натилган асбоб-ускуналарни қабул қилиш комиссиясида иштирок этиш;

инструктаж ўтказиш, ишчиларнинг билимини текшириш; баҳтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш, ҳисбот тузиш ва бошқалар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими, хавфсизлик муҳандислари қуидаги ҳуқуқларга эга:

Корхона барча бўлимларининг ҳолатини текшириш, камчиликларни ва уни бартараф этиш муддатини қўрсатиб ёзма равишда буйруқ бериш.

Ишлаётганлар ҳаётига, саломатлигига хавфли бўлган машина, аппарат, мосламалардан фойдаланишини тақиқлаш, бу ҳақда бош муҳандисни огоҳлантириш.

Хавфсизлик бўйича бўлимлардан ёзма равишда ҳужжат маълумотларни талаб қилиш.

Меҳнат муҳофазаси бўйича қонун қоида ва кўрсатмаларни бузган, айбдор шахсларни ишдан четлатиш.

Корхона раҳбариятига бўлим ходимларининг наму-нали хизматини тақдирлаш, айбдор шахсларни ахлоқий жавобгарликка тортиш ҳақида тавсия бериш ва ҳ.к.

### **Меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларини бузганлик учун жавобгарлик.**

Баъзи бир раҳбар шахсларнинг, ишчиларнинг ўз ишига совуққонлик ва лоқайдлик билан қарashi натижасида меҳнатни муҳофаза қилиш тартиб қоидалари бузилиб, баҳтсиз ҳодиса рўй беради. Баҳтсиз ҳодисанинг оғир енгиллиги ва оқибатини ҳисобга олиб тўрт хил жавобгарлик чора тадбирлари белгиланган. Интизом жавобгарлиги. Ҳар бир саноат корхонаси ўз ички тартиб қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб қоидаларнинг барчаси соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, жараёнларни нормада бажаришга қаратилган. Талабларни бажармаслик баҳтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, ишчи хизматчиларнинг тартиб қоидаларга амал қилмаслиги иш режимининг бузилишига, касаллик, баҳтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва бошқа ҳодисаларнинг содир бўлишига олиб келиши мумкин. Улар учун интизом жавобгарлиги таъсис этилган.

Бу жавобгарлик ишчилар учун: огоҳлантириш, хайфсан эълон қилиш, жиддий хайфсан эълон қилиш, уч ой муддат билан ойлиги кам бўлган ишга ўтказиш ёки шу муддатга паст разряд ишга ўтказиш, ишдан бўшатиш каби тартибда амалга оширилади.

Раҳбар шахслар учун жавобгарлик огоҳдантириш, хайфсан эълон қилиш, бир йилгача лавозимини пасайтириш, ишдан бўшатиш йўли билан олиб борилади.

Ишчилар корхона раҳбарлари, цех ва бўлим бошликлари томонидан интизом жавобгарлигига тортилиши мумкин. Раҳбар ходимлар эса юқори раҳбарлик ходимлари томонидан интизом жавобгарлигига тортилиши мумкин.

Раҳбар ходимлар жамоа битимида кўрсатилган талабларни, юқори ташкилот буйруқларини бажармаганликлари ва асосан хавфсизлик техникаси, саноат гигиенаси санитарияси талаб қоидаларига амал қилинмаганлиги учун жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий жавобгарлик қўйидаги уч турда белгиланиши мумкин:

Ахлоқий характердаги жавобгарлик (огоҳлантириш, жамоат тартибидаги чоралар).

Маблағ ва пул ундириш, бунда жарима ва мусодара қилиш усули қўлланилади.

Тартиб бузувчининг шахсига тааллукли бўлган жавобгарлик (ахлоқ тузатиш ишлари, маъмурий қамоқ жазоси, вазифасидан четлатиш).

Меҳнат хавфсизлиги қоида ва нормаларини бузган ишчи ва хизматчиларга маъмурий жавобгарлик тартибида огоҳдантириш, жамоат тартибидаги чоралар ва маълум микдорда жарима тўлаш белгиланади. Жарима ва огоҳлантириш бўйсуниш тартибида раҳбар ходимлар томонидан эмас, балки меҳнатни муҳофаза қилишининг давлат назорат органлари ёки шаҳар ва туман депутатлари кенгаши ижроия қўмиталари томонидан ташкил қилинган комиссияларнинг қарори билан белгиланади.

Жиноий жавобгарлик. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг қўпол бузилиши натижасида оғир жароҳатланиш ёки бир неча кишининг оғир жароҳатланиши содир бўлса ёки баҳтсиз ҳодиса ўлим билан тугаса, қоидани бузишда айбланган раҳбар ходим жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноий жавобгарлик раҳбар ходимни вазифасидан четлатиш ёки маълум муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан белгиланади.

Моддий жавобгарлик. Бу ишчи ва хизматчилар ишлаётган корхонада унинг айби билан корхонага келтирилган моддий зарарни қоплашдир. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларининг ишчи ва хизматчи томонидан бузилиши натижасида саноат корхонаси моддий зарар кўрса, шу зарарнинг бир қисмини ёки ҳаммасини айбдор шахс томонидан тўланиши моддий жавобгарлик чорасига киради. Моддий жавобгарлик чегараланган ва

тўлиқ жавобгарлик тартибида белгиланиши мумкин.

Чегараланган моддий жавобгарликда саноат корхонасига етказилган зарар маъмурият буйруғига асосан ишчи ва хизматчининг ойлигидан ундириб олинади. Бунда айбдор шахснинг розилиги билан ойлигидан (учдан биридан ошмаслиги шарти билан) ушлаб қолинади.

Тўлиқ моддий жавобгарлик жиноят содир бўлган тақдирда ва айбдор жиной иш қилган бўлса, уни жавобгарликка тортиш билан бир қаторда саноат корхонасига келтирилган моддий зарарни ҳам тўлиқ қоплашга мажбур қилинади. Бундай жавобгарлик қарорларини туман ёки шаҳар суди органлари чиқаради. Бу ҳолда корхона маъмурияти томонидан айбдорнинг ҳақиқатдан ҳам айбдор эканлигини тасдиқловчи хужжатлар кўрсатилиши керак.

### **Мехнатни муҳофаза қилишнинг давлат ташкилотлари назоратлари.**

Мехнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларини, меҳнат қилиш қонуниятларининг бажарилишини текшириш ва таъминлаш учун умумий ҳамда маҳсус назорат ташкилотлари тузилган.

Ҳамма вазирликлар, бошқармалар ва саноат корхоналарида меҳнат қонуниятларининг аниқ бажарилишини олий ташкилот Ўзбекистон Прокуратуроси кузатиб боради. Прокуратура ташкилотлари қонунларнинг бузилмаслигини режа асосида, меҳнаткашларнинг арзи ёки корхона ва айрим шахсларнинг маълумотлари асосида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг қандай бажарилаётганли-гини текшириш йўли билан амалга оширади.

Прокуратура умумий назорат тартибида текшириш натижаларидан саноат корхоналари раҳбар ходимларини хабардор қиласи, раҳбар ходимларга маъмурий жазо кўрилишини талаб қилиб, юқори раҳбар ходимларга мурожатқиласи. Агар жиноят содир бўлганлиги аниқланса (хавф-сизлик техникаси қоидаси бузилган бўлса), раҳбар ходимларни жиной жавобгарликка тортади. Ўлим билан тугаган, оғир ва кўпчилик баҳтсиз

ходисага учраган ҳолатларни батафсил текширади.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат қонунлари кодексининг 286-моддасига асосан маҳсус назоратни ўз фаолияти жиҳатида шу корхоналарга ва вазирликка бўйсунмайдиган маҳсус давлат органлари ва инспекциялари олиб боради. Мехнатни муҳофаза қилишнинг маҳсус давлат назорат органларига куйидагилар киради:

1. Касаба уюшмаси марказий қўмитаси техник инспектори инспекцияси.
2. Саноатда хавфсиз иш олиб бориш ва тоғ ишлари хавфсизлиги техник давлат назорати.
3. Давлат санитар назорати.
4. Давлат энергетика назорати.
5. Давлат ёнғин хавфсизлиги назорати.
6. Табиатни муҳофаза қилиш давлат назорати.
7. Сув ва сув манбаларининг тозалигини ҳимоялаш давлат назорати.
8. Жамоат назорати.

Касаба уюшмаси техник инспектори. Ҳар бир саноат корхонасига тармоқ бўйича ишчи ва хизматчилар касаба уюшмаси марказий қўмитаси техник инспектори бириктириб қўйилган. У корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини кузатиб турувчи давлат назоратчиси ҳисоб-ланади.

Унинг асосий вазифалари қаторига баҳтсиз ҳодисаларни текшириш, ҳисобга олишни корхона маъмурияти томонидан тўғри олиб борилаётганлигини кузатиб бориш, ўлим билан тугаган ҳамда оғир ва кўпчилик баҳтсиз ҳодисага учраган ҳолларда текширишда қатнашиш, текшириш материаллари ва айбор бўлганлар ҳақидаги маълумотларни, айборларни жиноий жавобгарликка тортиш материалларини текшириш органларига жўнатишдан иборат.

Касаба уюшмаси техник инспектори янги ускуналар-ни, қурилмаларни ишга қабул қилиш, фойдаланишга топшириш давлат комиссияси таркибида қатнашади. Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича номенклатура чора

тадбирларининг амалга оширилишини кузатиб боради. Вазирлар Маҳкамасининг саноатда хавфсиз иш олиб бориш назорати ва төғ ишлари назорати давлат қўмитаси төғ саноати, төғ руда саноати, нефть қазиб чиқариш, металлургия, геология қидирув назоратидан ташқари 70КПа (0,7 атм) дан ортиқ босимда ишлайдиган буғ қозонлари ва идишлари, 115 °С дан ортиқ ҳароратга эга бўлган сув иситиш қозонлари, буғ ва иссиқ сув қувурлари, юк кўтариш кранлари, лифтлар, эскалаторлар, осма пассажир йўллари ишларини назорат қилади.

Улар қозон ва юк кўтариш қурилмалари қуриш учун саноат корхоналарига рухсатнома беради, иншоотларни ҳисобга олади, фойдаланишга рухсат беради. Техника талаблари жиҳатидан ишга яроқли эканлигини тасдиқлайди. Бу назорат ташкилотлари инспекторлари капитал қурилиш иншоотларини ва янги ускуналарни қабул қилиш ва фойдаланиш учун топширишда давлат комиссияси таркибида назорат олиб борилаётган корхонада юз берган, ўлим билан тугаган, оғир, кўпчилик билан юз берган баҳт-сиз ҳодисаларни текширишда қатнашади.

Давлат санитария назорати соғлиқни сақлаш вазирлиги билан боғлиқ бўлган «санитария-эпидемиология хизматлари» орқали амалга оширилади. Санитария назоратининг асо-сий вазифаси ташқи муҳитни (сув ҳавзаларн, тупроқ, атмосфера) саноат чиқиндилари билан ифлосланмаслигининг олдини олишдан иборат. Шунингдек, корхоналарнинг санитария-гигиеник ҳолатини яхшилаш ва касб касалликларининг келиб чиқмаслиги чора тадбирларини амалга оширади. Санитария эпидемиология хизмати (СЭХ) ходимлари янги қурилган иншоот, корхоналарни қабул қилишда қатнашади, саноат корхоналарида касб касалликлари ва заҳарланиш ҳолатларини текширади ва маъмурият билан бирга уларни йўқотиш, олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Давлат энергетика назорати Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан амалга оширилади. Уларнинг асосий вазифаси электр ва исикдик ускуналаридан тўғри фойдаланишни кузатиш ва уларнинг хавфсиз

ишлатили-шини таъминлаш борасида ишлаб чиқилган чора тадбирларнинг амалга оширилишини кузатиб боришдан иборат.

шириш давлат комиссияси таркибида қатнашади. Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича номенклатура чора тадбирларининг амалга оширилишини кузатиб боради. Вазирлар Маҳкамасининг саноатда хавфсиз иш олиб бориш назорати ва тоғ ишлари назорати давлат қўмитаси тоғ саноати, тоғ руда саноати, нефть қазиб чиқариш, металлургия, геология қидиув назоратидан ташқари 70КПа (0,7 атм) дан ортиқ босимда шлайдиган буғ қозонлари ва идишлари, 115 °С дан ортиқ ҳароратга эга бўлган сув иситиш қозонлари, буғ ва иссиқ сув қувурлари, юк кўтариш кранлари, лифтлар, эскалаторлар, осма пассажир йўллари ишларини назорат қиласди.

Улар қозон ва юк кўтариш қурилмалари қуриш учун саноат корхоналарига рухсатнома беради, иншоотларни ҳисобга олади, фойдаланишга рухсат беради. Техника талаблари жиҳатидан ишга яроқли эканлигини тасдиқлайди. Бу назорат ташкилотлари инспекторлари капитал қурилиш иншоотларини ва янги ускуналарни қабул қилиш ва фойдаланиш учун топширишда давлат комиссияси таркибида назорат олиб борилаётган корхонада юз берган, ўлим билан тугаган, оғир, кўпчилик билан юз берган баҳтсиз ҳодисаларни текширишда қатнашади.

Давлат санитария назорати соғлиқни сақлаш вазирлиги билан боғлиқ бўлган «санитария эпидемиология хизматлари» орқали амалга оширилади. Санитария назоратининг асосий вазифаси ташқи муҳитни (сув ҳавзалари, тупроқ, атмосфера) саноат чиқиндилари билан ифлосланмаслигининг олдини олишдан иборат. Шунингдек, корхоналарнинг санитария-гигиеник ҳолатини яхшилаш ва касб касалликла-рининг келиб чиқмаслиги чора тадбирларини амалга оширади. Санитария эпидемиология хизмати (СЭХ) ходимлари янги қурилган иншоот, корхоналарни қабул қилишда қатнашади, саноат корхоналарида касб касалликлари ва заҳарланиш ҳолатларини текширади ва маъмурият билан бирга уларни йўқотиш, олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Давлат энергетика назорати Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан амалга оширилади. Уларнинг асосий вазифаси электр ва иссиқлик ускуналаридан тўғри фойдаланишни кузатиш ва уларнинг хавфсиз ишлатили-шини таъминлаш борасида ишлаб чиқилган чора тадбирларнинг амалга оширилишини кузатиб боришдан иборат. Назорат вазифаларини амалга ошириш, йўл қўйилган камчиликларни тузатиш ва айбдорларга жазо чораларини белгилаш мақсадида назорат ташкилотлари катта хукуқларга эга.

Ёнғинга қарши қураш давлат назорати республика Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бош бошқармаси зиммасига юклатилган. Шунингдек, маҳаллий органлар, меҳнаткашлар депутатлари кенгаши, уларнинг ижроия қўмиталари томонидан ҳам ёнғин назорати амалга оширилади. Ёнғиндан муҳофаза бўлимлари, маҳаллий бошқариш органлари, ўт ўчириш бўлимлари саноат корхоналарида назорат қилиш мақсадида куйидаги вазифаларни бажарадилар. Масалан, ёнғинга қарши чора-тадбирларнинг корхона бўлимларида бажарилиши, мавжуд бўлган ёнғин хавфсизлигига оид тартиб қоидаларга амал қилинишини, ёнғинга қарши хизматнинг жанговар ҳолатини, ўт ўчириш воситаларининг тайёрлиги ва қобилиятини текшириш ва бошқалар.

Жамоат назорати касаба уюшмаси федерацияси томонидан амалга ошириладиган назорат турига киради ва бир-мунча кенг маънога эга, яъни корхона маҳаллий касаба уюшмаси қўмитаси орқали назорат ишларини амалга оширади. Меҳнатни муҳофаза қилиш комиссиялари ва жамоат инспекторларининг таркиби касаба уюшмаси федерацияси томонидан тасдикланган қарорлар билан белгиланган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш назорати меҳнат қонуни-ятлари, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси норма ва қоидаларининг бажарилишини кузатиб боради, саноат корхоналарида баҳтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқи-шини, касб касалликларини камайтиришни таъминловчи чора-тадбирларни амалга оширилаётганини назорат қиласи. Жумладан, ишлаб чиқариш жиҳозлари ва қурилмаларининг созланганлигини,

ишчиларнинг махсус кийим ва шахсий муҳофаза воситалари билан таъминланганлигини, махсус овқатларни ўз вақтида бериб борилишини, сут билан таъминлашни, иш кунининг давом этиш соатларини, дам олиш кунлари ва таътилнинг ўз вақтида берилишини, танаффуслар, аёллар ва ўсмирлар меҳнатидан тўғри фойдаланишни ва бошқаларни текширишда фаол қатнашади.

### **Атроф мухитни муҳофазасида стандартлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилгунга қадар, табиий, атроф мухитни ҳимоя қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган қонун ва меъёрий хужжатлар собиқ иттифоқ манфаатлари доирасида амал қилинар эди. Атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича бошқарув ва назорат ишлари бир неча ташкилотлар ваколатига юқлатилган бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари бир тизимга бирлашмаган, аксарият ҳолларда бир-бирларининг функпияларини такрорлашар, куч ва маблағлардан фойдаланиш тарқоқ ҳолда эди. Натижада табиатни муҳофаза қилиш ишларининг самарадорлиги пасайиб кетди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва Республиkaning ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни бошқариш тизими ва уни ҳуқуқий асосларини кафолатловчи қонунлар ва меъёрлар ҳам тубдан ўзгарди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф мухит муҳофазасини ташкил этиш Республика Вазирлар Маҳкамаси Республика ва вилоятлардаги табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, Давлат бошқарувининг тегишли маҳаллий органлари томонидан амалга оширилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг табиат муҳофазасини ташкил этишдаги ваколатлари қўйидагилардан иборат:

Табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёsat юритиш;

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш;

Табиий ресурсларни баҳолаш ва Республика аҳамиятига молик табиий

ресурслар захираларини тасдиқпаш;

Экологик жиҳатдан танг вазиятлар, табиий оғатлар ва фалокатларни олдини олиш юзасидан чора тадбирлар ишлаб чиқиши;

Табиий оғатлар ва йирик ҳалокатлар оқибатларини тугатиш чора тадбирларини амалга ошириши;

Табиий ресурслардан фойдаланганлик, атрофмухитни ифлослантирганлик, чиқиндилар, заарли таъсир этувчи моддаларни

жойлаштириб ташлаганлик учун ҳақтўлаш тартибини, шунингдек, табиий ресурслардан фойдаланиш, чиқиндиларни жойлаштириш, чиқиндиларни жойлаштириш лимитларини белгилаш;

Экологик таълим тарбия тизимини яратиш ва унинг амал килишини таъминлаш;

Табиатдан махсус тартибда фойдаланиладиган ҳудуд-ларнинг чегараларини ва хўжалик фаолияти режимларини тасдиқлаш;

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига бўйсунади ҳамда вазирликлар, Давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек, айрим шахслар томонидан ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатадиган барча ташкилотлар устидан иш кўрувчи орган бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича тармоқлараро бошқарув ва давлат назоратини амалга оширади. У ўз функциясини маҳаллий бошқарув органларига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажаради ва табиатдан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш корхоналари ҳолати ва табиий ресурсларни ҳимоя қилиш

бўйи-ча техник ва иқтисодий масалаларни ҳал этишга кўмакта-шади. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг ваколатлари, Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув маҳаллий идоралари табиатни муҳофаза қилиш бўйича қуйидаги ваколатларга эга: ўз худудида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, минтақанинг экология дастурини тасдиқлаш табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва баҳолаш, экологик жиҳатдан зарарли бўлган объектларни рўйхатга олиш; табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техник томондан таъминлаш; табиий ресурслардан фойдаланиш хуқуқини берувчи, саноат ва уй-рўзгор чиқиндиларини тўплаш ёки кўмиб ташлашга рухсатномаларни белгиланган тартибда бериш ёки уларни бекор қилиш; табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ундириш; табиатни муҳофаза қилиниши устидан назорат ўрнатиш, атроф-муҳитга зарар етказаётган маҳаллий аҳамиятга молик объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ёки қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш.

#### **4-БОБ. КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ХУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ИШЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ**

Моддий бойликнинг меҳнат миқдори ва сифатига қараб тақсимланиши, бу жамиятнинг иқтисодий қонунидир.

Меҳнат бўйича иш ҳақининг тақсимланиши, бу ишлаб чиқаришни ташкил қилишга, меҳнат унумдорлигини оширишга турткى ҳисобланади. Иш ҳақини ташкил қилишда турли хил иқтисодий қонунларни ҳисобга олиш керак, бу меҳнат бўйича тақсимланиш қонуни, қиймат қонуни, халқ хўжалигини ривожлантиришни режалаштириш қонуни ва бошқалар. Бу қонунлар асосида меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилиш тамойиллари келиб чиқади.

Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилишда асосий тамойиллардан бири, бу сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш тамойилидир. Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилишнинг муҳим тамойиларидан бири бу меҳнат унумдорлиги ошиши билан иш ҳақи ҳам ортиб боришидир. Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилишда катта тамойиллардан яна бири, бу иш ҳақининг илмий асосланганлигидир. Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилишда яна бир муҳим тамойил, бу моддий қизиқиш билан манавий рағбатлантиришни бирга олиб боришидир.

### **Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва шакллари**

Жамиятимизда иккита асосий шаклда иш ҳақи қўлланилади, яни ишбай ва вақтбай иш ҳақи. Ишбай иш ҳақи шаклида тўланадиган меҳнат ҳақи бажариладиган ишнинг ҳажми ва сифатига қараб белгиланади. Меҳнатга вақтбай иш ҳақи тўлаш, бу меҳнат натижаларини ўлчов бирлиги бўлмаган ходимнинг ҳақиқий ишлаган вактига ва малакасига қараб белгиланади. Бундай иш ҳақини тўлаш шакллари ишлаб чиқариш хусусиятига қараб бир неча кўринишда бўлиб, улар бир бутун иш ҳақи тўлаш тизимини вужудга келтиради.

Меҳнатга ишбай шаклида иш ҳақи тўлаш тўғри ишбай, мукофотли ишбай ва аккорд ишбай шаклларга бўлинади. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришнинг шароитига қараб, ишбай шаклида иш ҳақи якка ва гурухли ишбай шаклида бўлиши мумкин. Ишбай иш ҳақи шаклини қўлашда ишлаб чиқариш меъёри ёки вақт меъёри асос қилиб олинган. Вақтбай иш ҳақи оддий вақтбай ва мукофотли вақтбай шаклларга бўлинган. Оддий вақтбай шаклида

ҳақ тўлаш деганда, ходим бажарган ишнинг ҳажми ёки миқдорини ўлчаш имкони бўлмаганда, ҳақиқий ишлаган вақти учун ой, смена, соат схемаси бўйича тўланган иш ҳақи тушунилади.

Мукофотли вақтбай иш ҳақи шаклида ҳақ тўлаш малум бир кўрсатгичга эришилганда, сифат кўрсатиши юқори бўлганда бериладиган мукофот пулидир.

Тўғри ишбай ҳақ тўлаш деганда, ҳар бир ходим ёки мутахассис бажарган иш ҳажмига ёки етиштирган маҳсулотига қараб олган иш ҳақи тушунилади. Мехнатига мукофотли ишбай иш ҳақи тўлашда тўғри ишбай ҳақ тўлашни сақлаб қолган ҳолда бажарилган иш ҳажми учун, у қисқа муддатда, сифатли ва ишлаб чиқаришга сарф қилинадиган моддий ҳаражатларнинг тежалганлиги учун бериладиган мукофот пулидир.

### **Давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари бўйича “Ермулккадастр” ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилиш**

Давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари бўйича “Ермулккадастр” ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш мукофотли вақтбай ва мукофотли ишбай шаклларда амалга оширилади. Мукофотли вақтбай иш ҳақи раҳбарлар, инженер-техник ва хизмат кўрсатиши ходимларига тўланади. Лавозимлари бўйича белгиланган разрядлар орқали иш ҳақи тўланади.“Ермулккадастр” ташкилотларининг раҳбарлари юқори вакиллик органлари рухсати билан ва маҳаллий касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда, асосий иш ҳақи фондидан икки фоиз атрофида юқори малакали мутахассисларга лавозимлари бўйича ойлик маошларига 30 фоизгача устама ҳақ тўлаш белгиланди. Филиал ва бўлимлардаги бошқарув аппарати ходимларига эса, 20 фозигача ойлик маошларига устама ҳақ тўлаш белгиланди.

Иш юзаси билан боғлиқ ишларни бажаришга борган ходимларга хизмат сафари учун ҳақ тўланади. Хизмат сафари билан боғлиқ ҳаражатлар “Хизмат сифатига ҳақ тўлаш бўйича йўриқнома”га асосан тўланади.

Мукофотли вақтбай иш ҳақи тўлашда асосий хужжат иш вақтини

хисобга олувчи табел ҳисобланади. Мукофотли ишбай иш ҳақи тизими топогеодезия, ер тузиш, техник ҳисоблаш, техник қайд қилувчилар, компьютер операторлари ва чизма-расмийлаштириш ишларини бажарувчи мутахассисларга қўланилади. Бу ишларни бажариш учун давлат рўйхатидан ўтказувчи, давлат рўйхатидан ўтказувчи ёрдамчиси, техник қайд қилувчилар, компьютер операторлари жалб қилинади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини бажарувчи мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш мавжуд бўлган вақт меъёрлари ва бошқа меъёрий хужжатлар орқали амалга оширилади.

Табиий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда лойиха ташкилотларининг хамма ходимларига асосий иш ҳақига қўшимча қилиб район коефицентлари 1.15 дан 2 гача оралиқда тўлаш белгиланади. Район коефицентлари ва устамалар жорий қилинадиган жойларнинг рўйхати, уларнинг қўлланиш тартиби ва микдори Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан белгиланади.

Дала шароитида ишларни бажараётган мутахассисларга лавозимлик маоши ҳақидан 40-50 фоиз микдорида дала қўшимчаси тўланади. Давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари бўйича "Ермулккадастр" ташкилотларининг ходимларини мукофотлаш "Лойиха ташкилотлари ходимларини мукофотлаш тартиби тўғрисида"ги инструкцияга мувофиқ йиллик иш ҳақи фондидан 6.5 фоизгача микдорда мукофот билан маблағ ажратиш кўзда тутилган. Бунда ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш учун асосий хужжат бўлиб топшириқ – ҳисбот хизмат қиласи.

### **Хизмат сафарига ҳақ тўлаш**

Давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини бажариш билан боғлиқ ишларни назорат қилиш учун, кўпинча, давлат рўйхатидан ўтказувчи ва давлат рўйхатидан ўтказувчи ёрдамчиси хизмат сафарига боришига тўғри келади. У хизмат сафари сифатида расмийлаштирилади. Хизмат сафари учун ҳақ тўлаш «Хизмат сафарига ҳақ тўлаш бўйича йуриқнома»га асосан бажарилади. Йўриқноманинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

- хизмат сафари ишлаб чиқариш ташкилоти раҳбари томонидан маълум вақтга доимий иш жойидан ташқарида вазифаларни бажариш учун берилади;
- хизмат сафари буйруқ билан расмийлаштирилади. Хизматчига сафар гувохномаси, йул ҳақи, қундалик сарфлар ҳамда тураг жойни ижарага олиш учун аванс берилади;
- хизмат сафарига жўнатилган хизматчининг иш жойи ва ўртacha ойлик маоши сақланган бўлади;
- гувоҳнома билан сафар тўғрисидаги ёзма ҳисобот уч кун ичida топширилиши шарт.

### **Мехнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришни такомиллаштириш**

Мехнатга кўра тақсимлаш механизми асосида қўйидаги кўрсаткичлар ётади:

1. Мехнатга ҳақ тўлаш соҳасида иш ҳақини марказлашган тартибга солишининг оптималь нисбатини аниқлаш:
  - минимал иш ҳақи даражасини аниқлаш;
  - мехнат бўйича тақсимлашни жамоа-шартномавий тартибга солишин услубиятини ишлаб чиқиши.
2. Ходимлар моддий тақдирлаш соҳасидаги ишларнинг асосида иш меъёри ва унга ҳақ тўлашни белгилаш ётади.

Мехнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизими қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Мехнат натижалари бўйича ҳақ тўлаш (ҳар кимга мехнатига яраша ифодаси) икки хил маънога эга. Мехнат деганда ё унинг натижаси ёки харажатлари (мехнат сарфи ) тушуниш мумкин. “Мехнат сарфи бўйича” тамойили индивидудуал иш ҳақини кафолатайди, аммо уни тартибга солмайди. Тартибга солиш кафолатларини ҳисобга олган ҳолда мехнат бўйича эмас, балки унинг натижалари бўйича олиб борилади.

- Ходимларнинг ҳимояланганлиги ва ишончлиги.

Иш ҳақи ходимларда эртанги кунга ишонч ҳиссини ўйғотиш керак.

Вазифа шундаки ходимлар ўзларининг максимум диққатларини ташкилотнинг асосий вазифаларини хал қилишда қаратишлари керак. Уларни оила ва ўзларининг моддий таъминотлари билан боғлиқ пул муаммолари чалғитмаслиги керак. Бу вазифани иш ҳақининг кафолатланган қисми ҳал қилиш керак.

3. Иш ҳақининг рағбатлантирувчи аспекти. Мехнатга ҳақ тўлаш тизими рағбатлантиришнинг таъсир кўрсатувчи воситаларини ўз ичига олади. Ходимларга белгиланган иш ҳақидан ортиқча ҳақ олиш имконияти яратилади. Шу сабабли ходимларнинг ютуқлари билан боғлиқ қўшимча ҳақ тўлашлар жорий этилади..

4. Шахсий хиссасидан учун қўшимча (рағбатлантирувчи) мехнатга ҳақ тўлаш шаклларидан қўллаш. Асосий иш ҳақига қўшимча равишда ташкилот ўз ходимининг жуда сифатли маҳсулот ёки ташкилот учун мухим ютуқларини қўшимча баҳолайди. Кўшимча иш ҳақи ўз ичига қўйидагиларни олади: фирма товарларини сотиб олишда енгиллик; билим олиш харажатларини тўлаш; медицина хизмати; хаётни суғурта қилиш ва б..к.

Бугунги кунда мехнатга ҳақ тўлашнинг таъриф тизими таъриф-квалификация куйидаги маълумотларидан иборат:

Биринчи разряднинг таъриф сеткаси минимал иш ҳақи асосида аниқланади ва ходимлар гурухлари меҳнатига ҳақ тўлашни табакалаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қиласди. Ушбу гурухлар бўйича таърифларини белгилаш ёлланма ишчиларнинг тегишли квасификацияси минимал иш ҳақининг ижтимоий кафолатини белгилайди ва иш ҳақини қонуний иш вақти меъёри ва вазифаларини бажариш асосида ташкил қилишнинг асоси бўлиб хизмат қиласди.

## ХУЛОСА

Диплом лойихада- кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимининг асослари ва имкониятлари, рўйхатдан ўтказувчи органларнинг асосий вазифалари, давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини

ташкил этишнинг асосий жиҳатлари, давлат рўйхатдан ўтказиш тизимини яратишида унинг қонунчилик базасини ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш технологиясини яратиш ва мутахассислар билан таъминлаш жараёнлари баён қилинган. Бу ишларни амалга ошириш учун диплом лойихада қуидаги ишлар бажарилган:

➤ **Рўйхатдан ўтказувчи орган “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг вазифалари:**

- 1.Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни ва доир битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиши амалга оширади;
- 2.Кўчмас мулкка бўлган хуқуқлар, уларнинг бир хуқуқ эгасидан иккинчисига ўтиши, кўчмас мулкка хуқуқларни чегаралаш ва кўчмас мулкка доир бошқа битишувлар тўғрисидаги маълумотлар банкини ташкил қиласди.

➤ **Туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматлари таркибидаги рўйхатдан ўтказиши бўлимларининг вазифалари:**

- 1.Хуқуқийнинг қонунийлигини юридик текширувдан ўтказиш.
2. Кўчмас мулкка вужудга келган хуқуқ, чеклов, тақиқларни давлат рўйхатидан ўтказиш.
- 3.Кадастр рақамларининг тўғрилигини тасдиқлаш.
4. Ананавий ва компьютер вариантларида реестрларни юритиш.
5. Рўйхатдан ўтказилган маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш.

➤ **Рўйхатидан ўтказиш тизимини ташкил этишнинг асосий жиҳатлари:**

- 1.Рўйхатдан ўтказиш тизимини яратиш
- 2.Қонунчилик базасини ташкил этиш
- 3.Рўйхатдан ўтказиш технологиясини яратиш
- 4.Мутахассислар билан таъминлаш

➤ **Рўйхатдан ўтказиш тизимини яратишида ташкилий масалалар:**

- 1.Туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматлари таркибида рўйхатдан ўтказиши бўлимларини ташкил этиш.

- 2.Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказиш марказларини ташкил этиш.
3. Республика миқиёсида ахборот –тахлил маркази ташкил этиш.
- 4.Рўйхатдан ўтказиш учун жавобгар бўлган ягона марказий ташкилот ташкил этиш.
- 5.“Бир ойна” орқали кадастр хизматларининг ишлаб чиқари бўлимлари ва рўйхатдан ўтказиш бўлими ўртасида ўзаро хамкорлигига эришиш.
- 6.Мутахасиссларни тайёрлаш
- 7.Ягона компьютер тармоғига уланиш
- 8.Восита ва жиҳозларни жойлаштириш, аълоқа ва тарнспорт масалаларини хал этиш.

➤ **Рўйхатдан ўтказиш технологиясини яратиш соҳасида амалга оширилган ишлар:**

1. Ягона “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестри” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди хамда ишлаб чиқаришга жорий этилди;
- 2.Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди ва тасдиқланди хамда ишлаб чиқаришга жорий этилди.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан биргаликда амалдаги «бир ойна» принципи бўйича қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқилди ва тасдиқланди хамда ишлаб чиқаришга жорий этилди.
- 4.Туман (шаҳар) ер кадастри дафтарини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ягона “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестри” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди хамда ишлаб чиқаришга жорий этилди.

5.Ер кадастри дафтарини юритиш бўйича маълумотлар базаси мунтазам янгиланиб боришини таъминловчи дастурий таъминот ишлаб чиқилди ва уни 2015 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

➤ **Конунчилик базасини ташкил этиш соҳасида: мавжуд муаммолар:**

1.Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқни давлат рўйхатидан ўтказиша ҳар хил ҳукуқий кучга эга бўлган қонун ва қонун ости норматив ҳукуқий ҳужжатларининг мавжудлиги.

2. Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш саҳосида муносабатларини тартибга солувчи маҳсус қонунинг йўқлиги.

3.Махалий давлат ҳокимяти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларда ҳукуқ турининг кўрсатилмаслига ва бошқалар.

• **Амалга оширилган ишлар:**

1.Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги «Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1-сонли қарори қабул қилинди.

2.Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди ва тасдиқланиб иш юритишга жорий этилди.

➤ **Мутахасисслар билан таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишлар:**

1.Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ер кадастри дафтарини юритиш бўйича “Геодезия ва картография миллий маркази”да семинарлар ўтказилди.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3024-сонли қарорида қўйидагилар белгиланди:

-геодезия ва картография фаолияти бўйича малакали кадрларни тайёрлашда олий таълим, ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими, йўналишлар, касб ва ихтисосликлари бўйича рўйхатни аниқлаш, “Ергеодезкадастр” қўмитасининг корхоналар ва ташкилотларда ўқитиш, амалиёт ўтказиш ва таълим стандартларини, ўқув режалари ва дастурларини қайтадан танқидий қўриб чиқиш;

-Хар йили, ихтисослашган олий ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул квотасини шакллантиришда ер тузиш, геодезия ва

картография фаолияти соҳасида малакали кадрларга бўлган реал эҳтиёжни ҳисобга олиш.

-Олий таълим ва қасб-хунар коллежлари битирувчиларини “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг корхона ва ташкилотларига ишга жойлаштириш амалий механизмини таъминлаш.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодекси. (Ўзбекистон Республикаси

- Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257-І-сон қарорига мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартаидан кучга киритилган)
2. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. (ЎзР 30.04.1998 й. 598-І-сон Қонуни билан тасдиқланган ЎзР 30.04.1998 й. 599-І-сон Қарори билан амалга киритилган)
3. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси (1998 йил 24 декабрдаги 713-І-сон Қонун билан тасдиқланган 1998 йил 24 декабрдаги 714-І-сон Қарор билан амалга киритилган 1999 йил 1 апрелдан амалга киритилган)
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги қонуни. (15.12.2000 й. N 171-II)
5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни. (28.08.1998 й. N 666-I)
5. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги “Геодезия ва картография тўғрисида”ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5065-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисидаги” 543 –сон қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси худудларини кадастр буйича бўлиш хамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр ракамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» ги 492-сон қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги “ Кўчмас мулкка бўлган ҳуқукларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1-сон қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев раислигига 2017 йил 13 декабрь куни ер ресурслари, геодезия ва кадастр соҳасида амалга оширилаётган ислохатлар самарадорлигини ошириш масалаларига багишланган йигилиш материаллари. «Халқ сўзи» 2017 йил 14 декабрь, № 251(6945).
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 483-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.1997 й. “Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги № 278-сонли қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 7 январда 387-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида Йўриқнома”.
14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 й. 27 майда 736-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида Йўриқнома“
15. Журакулов Д.О., Аликулов Ф.Н., Ниязов В.Р. « Ер ва бино иншоотларга бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш » Ўкув қўлланма. Қарши ДУ. 2016 й.
16. Журакулов Д.О., Пирназаров И.М., Ниязов В.Р., Уроков О.А. “ Кадастр хизматидаги геодезик ишлар” Ўкув қўлланма: Тошкент: “Фан ва техника” 2016 й.
17. Журакулов Д.О., Ниязов В.Р., Ибрагимов Л.Т. “Шахар, қишлоқ аҳоли пунктларида ер, бино-иншоотлар рўйхати ва хисоби” Маъruzalар матни: СамДАКИ, № 7-8, 24.05.2017 й.